БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 217 (448)
1 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига янада мустаҳкам жипслашайлик, бутун куч ва ижодий ғайратимизни коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар қилайлик!

(«Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 38 йиллиги муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан).

Социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари коммунизм қураётган қаҳрамон халқимизни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирмоқда. Зўр ғайрат, ижодий ташаббусга эга бўлган халқимиз партиямиз Чақириқларига жавобан Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига янада мустаҳкам жипслашиб, бутун куч ва ижодий ғайратларини коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар этмоқдалар.

Ишчилар, колхозчилар ва барча совет интеллигенцияси партия XX с'езди шарафига, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб, юксак меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш учун, давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун, халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш учун курашмоқдалар.

Саноат корхоналарида, пахта далаларида КПСС XX с'езди ва Улуғ Октябрь байрами шарафига кучайиб кетган социалистик мусобақа ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Кўпчилик саноат корхоналари ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари бажардилар. Масалан, Тошкентдаги «Автотрактродеталь» заводининг коллективи бешинчи бешйиллик планини муддатидан 4 ой илгари бажарди. Ҳозир завод коллективи олтинчи бешйиллик ҳисобига 2 ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлабчиқарди. Новаторлардан формовщик Мухамедшин, токарь Горбунов, цех бошлиқларидан Караулов ва Наумов ўртоқларнинг рационализаторлик таклифлари меҳнат унумини ошириш, маҳсулот ишлабчиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва меҳнат процессларини механизациялашда муҳим роль ўйнамоқда. Заводнинг 264 ишчиси 8—13 йиллик нормани бажариб кўйдилар.

Шунингдек Оҳангарон кўмир разрези, Янгийўл тикув-пойафзал комбинати, Чирчиқ электрохимия комбинати ва бошқа корхоналар бешйиллик планни муддатидан илгари бажариб, социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Оҳангарон шахтёрлари мамлакатга янада кўпроқ кўмир етказиб бериш учун, Янгийўл пойафзалчилари аҳоли учун пишиқ ва нафис оёқ кийимлари ишлабчиқариш учун, Чирчиқ химиклари халқ хўжалиги учун керакли минерал ўғитлар ва бошқа химия маҳсулотлари ишлабчиқаришни янада кўпайтириш учун курашаётирлар.

Вазифа — техникани тараққий этдириш учун, рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга кенг тадбиқ этиш учун, ишлабчиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш учун, меҳнат унумдорлигини тобора ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кучайтириб юборишдан иборат.

Партиямиз Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ғайратига янада ғайрат қўшди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС механизаторлари социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш, пахта, зиғир, қанд лавлаги ва бошқа техника экинларидан, сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш учун, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш учун курашмоқдалар.

Пахта далаларида ижодий меҳнат қайнамоқда. Октябрь Чақириқларидан руҳланган пахтакорларимиз пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилганлар. Илғор колхозлар, бригадалар байрам шарафига пахта тайёрлаш давлат планини бажарганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Октябрь районидаги Молотов номли, Мирзачўл районидаги Максим Горький номли, Оҳангарон районидаги Калинин номли, Бўка районидаги Ленин номли, Юқоричирчиқ районидаги Сталин номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозлари пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажариб, ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ўртасида байрамолди социалистик мусобақасини янада қизитиб юбориш, бутун куч ва воситаларни пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этиш зарур. Пахта йиғим-теримидаги қолоқликни тезда тугатиб, пахтанинг бир грэмминн ҳам нобуд қилмасдан тезда териб давлатга топшириш — ҳар бир колхозчининг, совхоз ишчиси ва механизаторнинг муқаддас бурчидир.

Социалистик мусобақанинг ғолиб байроғи—коммунизм қураётган миллионларнинг кураш байроғидир. Социалистик мусобақа социалистик саноатимизни, қишлоқ хўжалигимизни, маданиятимизни юксалтириш учун фидоқорона меҳнат қилаётган ижодкор халқимизнинг кучига- куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Совет халқи ижодкор, янгилик яратучи, коммунизм қуручи халқдир. Ижодкор халқимиз ўз бахтини ўз қўли блан яратади, ўзи учун янги ҳаёт — коммунизм қуради. Шунинг учун ҳам халқимиз ўз социалистик Ватанининг янада мустаҳкам, янада қудратли бўлиши учун, социалистик жамият модий ва маданий даражасини янада кўтариш учун курашади.

Социалистик мусобақа коммунизм қуришнинг, юксак меҳнат унумига эришишнинг қудратли воситасидир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги шарафига бошланиб кетган социалистик мусобақанинг бутун кучи ва та'сирини КПСС Марказий Комитети Пленумларининг оғир индустрия негизида халқ хўжалигимиз барча тармоқларини кескин равишда ривожлантиришни кўзда тутган тарихий қарорларини бажаришга қаратмоқ керак.

Коммунистик партия социалистик мусобақанинг ташкилотчиси ва илҳомчисидир. Партия халқ оммасининг ижодий ғайрат ва ташаббусини янада ригожлантириш учун барча имкониятларни ишга солади. Партиямиз Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари халқ ижодий кучларини яна зўр қудрат блан қўзғатиб юборди. Халқ қудрати Ватанимиз олдида турган энг мураккаб ва қийин вазифаларни ҳам ҳал этишга қодирдир. Халқимизнинг коммунистик жамият қуришга бўлган иродасини ва битмас-туганмас куч-ғайратини уюштириш, ишга солиб юбориш керак.

Партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ишчилар, колхозчилар ва барча меҳнаткашларнинг байрамолди социалистик мусобақасига бошчилик қилишлари, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, партиямиз Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларига жавобан зўр ғайрат ва ижодий ташаббус блан меҳнат қилаётган қаҳрамон халқимизнинг бутун кучини коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар этишлари керак.

— Ишчилар, колхозчилар, совет интеллигентлари! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездини меҳнат унумдорлигини ошириш учун, давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун, халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш учун курашда янгидан-янги меҳнат муваффақиятлари блан муносиб суратда кутиб олайлик!

Областимиз меҳнаткашлари КПСС МК Чақириқларига амалий иш блан жавоб бермоқдалар

☆

Партия Чақириқларидан илҳомланиб

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги муносабати блан чиқарган Чақириқлари Оҳангарон шаҳридаги ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқаручи завод коллективининг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Коллектив Чақириқларга жавобан кейинги кунларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин суратда оширмоқда. Бу соҳада Максимова, Гунесева ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу бригада а'золари байрамолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топшириқларини 140—160 процентга етказиб бажармоқдалар.

Коллектив ўртасида социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйдирилганлиги туфайли 11 ойлик топшириқ ҳозирнинг ўзидаёқ ошириб бажарилди.

И. АҲМЕДОВ,
М. РАҲИМОВ.

Баҳорикор ерлар хайдалмоқда

Ўртачирчиқ районидаги биринчи МТС механизаторлари колхозларнинг ғалла экинларидан бўшаган ерларини ҳайдамоқдалар. МТСнинг Ворошилов номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ И. Трубицин бошлиқ трактор бригадаси занжирли трактор блан 305 гектар ерни сифатли ҳайдовдан чиқарди. Тракторчи ўртоқ Худойбердиевнинг бир ўзи ДТ—54 трактори блан 100 гектардан кўпроқ ер ҳайдади.

Ернинг сифатли ҳайдалиши кўп жиҳатдан плугаторларнинг ишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси плугаторликка тажрибали колхозчи ўртоқ Л. Ҳабибовни тайинлади. У, ернинг сифатли ҳайдалишини та'миналаш учун курашаётир. Лекин ҳали кўпчилик колхозларда плугаторлар етарли миқдорда ажратилган эмас. Бу эса тракторларнинг кўп вақт бекор туриб қолишига сабаб бўлмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, чангда ишлайдиган плугаторлар учун махсус кўзойнаклар етишмайди.

Ма'лумки, якин кунларда колхозларда пахта ерларини шудгор қилиш бошланади. Шунинг учун колхоз раҳбарлари тракторлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишлари, механизатор ва плугаторлар учун қулай шароит яратиб бериб, ғалла экиладиган ерларни 10 — 15 кун ичида сифатли қилиб ҳайдаб олишга эришишлари керак.

Т. ЙУЛДОШЕВ,
Ҳ. ШОКИРОВА.

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	0,38	89,62
«Малик»	0,66	79,83
16-нчи совхоз	0,67	74,60
17-нчи совхоз	0,63	67,26
«ЎзССР бешйиллиги»	0,71	61,44
3-нчи «Далварзин»	0,63	59,70
1-нчи «Боёвут»	0,34	59,09
2-нчи «Далварзин»	0,42	58,93
1-нчи «Далварзин»	0,28	57,71
3-нчи Вревский	1,04	57,29
2-нчи «Боёвут»	0,40	47,47
3-нчи «Боёвут»	0,52	47,03
4-нчи «Боёвут»	0,57	46,88
Кўкорол	0,07	32,32
10-нчи совхоз	0,17	23,14

Ҳурмат тахтаси

Давлат пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзилдилар:

Мирзачўл районидаги **Маленков номли колхоз** (колхоз раиси ўртоқ **Пак Ир Пен**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Омонов**).

Ўртасарой районидаги **«Полярная звезда» колхози** (колхоз раиси ўртоқ **Ким Пен Хва**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Нам Семен**).

Нонвойлар совғаси

Янгийўл нон заводининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг байрамолди Чақириқларини ишлабчиқаришда юқори кўрсаткичлар блан кутиб олди. Заводдаги ҳар уч бригада ҳам шу кунларда смена графигини систематик равишда ошириб бажармоқда. Булар ичида ўртоқ Осмонов бошчилигидаги комсомолёшлар бригадаси энг юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бу бригадада ишни ташкил қилиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш яхши йўлга қўйилган, меҳнат интизоми мустаҳкамланган.

Корхонада технология процессларига қат'ий риоя қилиш натижасида ҳомаш'ёни ортиқча сарфлаш йўқотилди, натижада ўтган ойлар мобайнида 30 тоннага якин ун тежаб қолиниб, бундан 45 тонна нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Шу кунларда илғор нонвойлар коллективи қўлга киритилган бу ютуқларни янги муваффақиятлар блан мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат қилмоқда.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Сут маҳсулотлари кўпаймоқда

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларидан руҳланган Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Бу йил колхоз фермасидаги кўпчилик жайдари сигирлар зотли сигирларга алмаштирилди. Сигирлар сифатли озиқларнинг қат'ий режими асосида боқилмоқда. Натижада уларнинг сути йил сайин кўпаяётир. Ўтган йили ҳарбир соғин сигирдан ўртача 2028 литрдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил 2388 литрдан сут соғиб олинди.

Айрим илғор сут соғучилар, айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Масалан З. Усмонова, Р. Ғафурова ўртоқлар ўзларига биркитилган ҳарбир соғин сигирдан 2574—2897 литрга етказиб сут соғиб олдилар.

Колхоз чорвадорлари сигирларни қишда ҳам ширали ем-хашаклар блан озиқлантириш мақсадида ҳар бош сигирга 5 тоннадан силос тайёрладилар. Ҳозир ҳам колхозда ем-хашак жамғариш қизғин давом этмоқда.

Ш. МАҚСУДОВ.

Нортожихоланинг ғайрати

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозининг а'золари йиғим-теримда зўр уюшқоқлик блан ишлаб, пахта тайёрлашда олдинда бормоқдалар. Теримни соатлик график асосида ташкил этган ўртоқ С. Рўзимбоев бошлиқ бригада а'золари кунига йиллик планнинг 2,5—3 процентн миқдорида пахта топшириб, ҳаммадан олдинда бораётирлар. Бригаданинг Қ. Бозорова, Т. Абдураззоқов, А. Аҳмадалиев, Ҳ. Тошқулова каби ўнлаб теримчилар ҳозиргача 5000 — 7000 килограммга етказиб пахта териб топширдилар. Айниқса кекса теримчи Нортожихола Акрамованинг иши диққатга сазовордир. Ёши 60 га етиб қолган бу аёл ҳам ёшлар каби ғайрат блан ишлаб, ҳозиргача 7000 килограмм пахта терди.

— Йигит-қизлардан орқада қолмаслик учун, — дейди Нортожихола, — бу йил камида 12000 килограмм пахта териб бераман.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,88	86,37	Гулистон	1,17	71,97
Оҳангарон	0,91	83,39	Оққўрғон	0,54	71,00
Оржоникидзе	0,82	81,23	Янгийўл	0,64	70,48
Пискент	0,44	80,82	Ўртачирчиқ	0,50	66,46
Юқоричирчиқ	0,46	80,34	Чиноз	0,54	65,12
Мирзачўл	1,25	78,03	Калинин	0,64	65,03
Сирдар'ё	0,70	76,73	Қуйичирчиқ	0,71	61,44
Октябрь	0,39	74,73	Бекобод	0,40	57,38
Верхне-волинск	0,59	72,78	Ховос	0,45	53,73
Бўка	0,41	72,21	Боёвут	0,47	51,58

БАЙРАМОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



1. Тошкент лак-бўёқ заводининг коллективи байрамолди меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. **Суратда**- смена топшириғини 170 — 180 процентдан бажараётган 1нчи цехнинг илғор аппаратчиси **Нормирза Шермуҳамедов**. 2. Чирчиқдаги «Электрошчит» заводида илғорлар safи тобора кенгаймоқда. **Суратда**: кунлик топшириқни 250 процентга етказиб бажараётган илғор слесарь **Алексей Лебедев** иш устида. **И. Глауберзон** ва **В. Сироткин** фотолари.

Ўртоқ Андрей Андреевич АНДРЕЕВГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбобини, Сизнинг олтмиш ёшга кирган кунингизда қизғин табриклайдилар.

Коммунистик партия ва совет халқи Совет давлати қурилишида Сизнинг қилган хизматларингизга юксак баҳо берадилар.

Андрей Андреевич, Сизга сиҳат-саломатлик, Ватанимизнинг бахт-саодати учун узоқ йиллар яшашингизни ва ишлашингизни тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ А. А. Андреевни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси ўртоқ А. А. Андреев туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати блан ва унинг Коммунистик партия ҳамда Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Андрей Андреевич **Андреев Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 29 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Шоир А. С. Исаакянни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Бадиий адабиёт соҳасидаги катта хизматлари учун, туғилган кунининг саксон йиллиги муносабати блан шоир Аветик Саакович **Исаакян** Ленин ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 29 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР маданият министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ С. В. Кафтановни Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

СССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ С. В. Кафтанов туғилган кунининг аллик йиллиги муносабати блан ва унинг совет маданияти соҳасида кўп-йиллик самарали ишларини тақдирлаб, ўртоқ Сергей Васильевич **Кафтанов Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 29 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР халқ артисти А. Ш. Малик-Пашаевни Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Совет музика сан'ати соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати блан СССР халқ артисти, Ленин орденли ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театрининг бош дирижёри Александр Шамильевич **Малик-Пашаев Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 29 октябрь.

ОЛИШЕВКА ҚИШЛОҒИДА В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ ОЧИЛДИ

ОЛИШЕВКА (Чернигов области), 30 октябрь. (ТАСС). Бугун буерда совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинга қурилган ҳайкал очилди.

Тантанада қатнашмоқ учун район марказига хизматчилар, МТС ходимлари, Сталин номли, Молотов номли, Киров номли колхозларнинг, «Новая жизнь» колхозининг а'золари тўпландилар. Кўп киши қатнашган митинг бўлди.

АДАМ МИЦКЕВИЧГА ҲАЙКАЛ

ЗАОСЬЕ қишлоғи, (Брест области), 30 октябрь. (ТАСС). Бугун буерда, Адам Мицкевич туғилган жойда улуғ поляк шоири хотирасига қурилган ҳайкал-Обелиск очилди. Обелискнинг юқори қисмига шоирнинг бронза барельефи ўрнатилган, пастда — олтин ҳарфлар блан белорус тилида қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Буерда, Заосьеда, 1798 йил 24 декабрьда улуғ шоир Адам Мицкевич туғилди».

Ҳайкални тантанали суратда очишга бағишланган митингда юзларча колхозчилар, Минск, Брест ва Новогрудок жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Улуғ шоир хотирасига қурилган ҳайкал ёнига гулдасталар қўйилди.

—0—

Ўзбекистон давлатга пилла топшириш йиллик планини бажарди

Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари давлатга пилла топшириш йиллик планини бажардилар.

Кўпгина хўжаликларда юқори ҳосил етиштирилди. Колхозлардаги 350 дан кўпроқ пиллачилик звеноси ҳар қути қурт уруғидан юз килограммдан ва ундан ҳам ошириб пилла олди. Андижон область, Сталин районидаги «Қизил Юлдуз» колхозининг звено бошлиғи Қундузхон Ёқубова энг юқори ҳосил олди. У ҳар қути қурт уруғидан тайёрлаш пунктига 136 килограммдан пилла топширди.

Маҳаллий селекциячилар етиштирган оқ пилла нав'лари боқилганлиги натижасида пилла сифати анча яхшиланди. Юқори маҳсулдор қуртларни боқиш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан икки баравар ортди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ишлабчиқариш резервларидан тўла фойдаланилсин

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-нчи йигирув-тўқув фабрикаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишидан.

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-нчи йигирув-тўқув фабрикаси бошлангич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Партия ташкилотининг иши ҳақида партбюро секретари ўртоқ Редозубова ҳисобот берди.

Йигирув-тўқув фабрикаси икки йил давомида юксак кўрсаткичларга эришиб, «Унумли ва а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи фабрика» деган фахрий номни сақлаб келмоқда. Бу фабрика 9 ой ичида пландан ташқари 13 тонна калава ип, 203,7 минг метр газлама тайёрлаб берди. Шу блан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 98,85 проценти биринчи сортга топширилди. Шу муддат ичида фабрикада 6,1 тонна пахта ва 3 тонна калава ип тежалди.

Фабрикада ишлабчиқаришни юксалтириш учун рационализаторлик таклифларидан кенг фойдаланилмоқда. Йигирув-тўқув фабрикаси бўйича 183 та рационализаторлик таклифи тушди. Бу таклифларнинг 142 таси ишлабчиқаришга жорий қилинди. Рационализаторлар қаторида 30 коммунист ва 12 комсомол бор. Коммунистлардан Шапошников, Родионов, Крупнов ва бошқалар энг яхши рационализаторлар ҳисобланади. Масалан, ўртоқ Родионов томонидан киритилган 16 рационализаторлик таклифидан 14 таси ишлабчиқаришга жорий қилинди. Бу ерда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш учун 8 та комплекс бригада тузилган.

Доклад юзасидан музокарага чиққан ўртоқлар фабрика ишида, партия ташкилотининг ишида бўлган ютуқлар блан бирга, жиддий камчиликлар борлигини айтдилар. Фабрика ма'мурияти ва партия ташкилоти ишлабчиқаришда эришилган яхши кўрсаткичлар блан чекланиб қолмоқдалар, мавжуд ички резервларни тўла ишга солиш ва илгор техникадан янада ўнумли фойдаланиш учун тегишли кураш олиб борилмаётир.

Партия ташкилоти планлаштириш ва ишлабчиқаришни ташкил этиш ҳамда социалистик мусобақани янада кенгайтириш масалалари блан кам шуғулланмоқда. Шу сабабли айрим цех ва сменалар белгиланган топшириқни бажармаётирлар. Коммунист-мастер Рудаков бундай деди:

— Нотўғри планлаштириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишда юз бераётган камчиликлар натижасида цехимиз керакли материаллар блан ўз вақтида та'мин қилинмаётир, бу эса станокларнинг бекор қолишига ва ишлабчиқаришни бир жойдан иккинчи жойга ўтказишга сабаб бўлмоқда. Ўзимизда тайёрлаш мумкин бўлган мокини бошқа жойлардан келтирамиз. Бу маҳсулотнинг таннархини оширади.

Ип-йигирув цехининг бошлиғи ўртоқ Копилов партия бюроси КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг ишлабчиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги кўрсатмаларини изчиллик блан амалга оширмаётганлигини, айрим участка ва бригадаларга яқиндан ёрдам бермаётганлигини, шунинг учун ички резервлар тўла ишга солинмаётганлигини айтди.

Коммунист ўртоқ Соколова партия бюроси цех партия группаларига яқиндан ёрдам бермаётганлигини кўрсатиб, уларнинг ишини анча яхшилаш кераклигини айтди. Музокарачи фабрика хотин-қизлар Совети ишини жонлантиришга ҳаракат қилмаётганлиги учун партия бюросининг а'зоси ўртоқ Махсумовани танқид қилди. Ишчи аёллар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий иш қониқарсиз эканлигини та'кидлади. Ишчиларнинг дам олиши яхши уюштирилмаётир. Қизил бурчак ҳардоим ёпиқ бўлади, унда ҳеччандай тарбиявий иш олиб борилмайди.

Музокарада сўзга чиққан Мартинова партия ташкилотининг партияга янги а'золар қабул қилиш соҳасида қониқарсиз ишлаганини айтди. 557 тўқучидан фақат 4 таси ва 482 йигирувчидан 4 тасигина партия а'зоси ва кандидати. Ҳолбуки, ишчилар ўртасида партия сафига муносиб бўлган ишчан ва фидокор кишилар кўп.

Партия ташкилотининг касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарлигини янада кучайтириш, касаба союз ва комсомол а'золари ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш—ишлабчиқариш соҳасида янада зўр муваффақиятлар қозонишнинг гаровидир. Айниқса ишчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, болалар боқчалари ва яслиларининг ишини яхшилаш партия ташкилотининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида ўтди. 15 киши сўзга чиқди. Коммунистлар ишлабчиқариш соҳасида янада зўр муваффақиятлар қозониш, КПСС XX с'езди ва Ўзбекистон КП XIII с'ездини меҳнат совғалари блан муносиб кутиб олишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Партия бюросининг ҳисобот даврида қилган иши қониқарли топилди. Партия бюросининг янги состави, комбинат партия конференцияси ва район партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Е. МИРЗАЕВ.

Омма ўртасида ишлаш—партия ташкилотларининг фаолиятидаги асосий вазифадир

Яқинда Чирчиқ шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум саноат корхоналарида оммавий агитация ишларининг аҳволи тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленумда шаҳар партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларга раҳбарлик қилишни бирмунча яхшилагани ҳайд қилиб ўтилди. Фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари, ишлабчиқариш новаторларининг илгор тажрибаси тўғрисида, табиий-илмий темаларда лекциялар, докладлар ва суҳбатлар тез-тез ўтказиб турилибди. Лекцияларнинг ғоявий савияси ошди, партия, совет ва хўжаликнинг раҳбар ходимлари ишчи ва хизматчилар йиғилишларида сиёсий докладлар қилмоқдалар.

Шу блан бирга музокарада қатнашганлар партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий ишида ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтдилар. Электрохимия комбинатида, «Чирчиксельмаш» ва «Электрощчит» заводларида агитаторларнинг семинарлари ҳам ўтказилмоқда, энг яхши агитаторларнинг тажрибаси ёйилмаётир. Ойна заводи, машина-прокат базаси, пойафзал фабрикасининг партия ташкилотларида агитаторларнинг фаолияти газеталар ўқиб беришдан иборат бўлиб қолган.

Пленумда шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг иши танқид қилинди. Пропаганда ва агитация бўлими сиёсий агитация ишларини олиб боришда партия ташкилотларига тегишинча ёрдам бермаётир.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (ЎзТАГ).



Суратда: Чирчиқ шаҳаридаги Ленин номли кўчанинг кўриниши.
Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Янги бешйилликда Ўзбекистон киноси

Ўзбекистонда кинони ривожлантириш юзасидан олтинчи бешйиллик план тузиб бўлинди. Республика Маданият министрлигининг кинолаштириш бош бошқармаси янги бешйилликда кино тармоқларини анча кенгайтиришни кўзда тутади. Тошкент, Бекобод, Ленинск, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарларда 12 қишки ва 10 ёзги кино-театр қуришга қарор қилинган. Республиканинг 150 колхозида янги кинотеатрлар ишлайбошлайди.

Колхозларга киноаппаратлар сотилабошланди. Фарғона область, Киров районидаги Сталин номли колхоз, Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз, Қашқадар'ё область, Бешкент райпидаги «Учинчи Интернационал» колхози ўз киноаппаратларига эга бўлдилар. Янги бешйилликда республиканинг кўпчилик колхозлари ўз киноаппаратларига эга бўладилар.

Тошкентдаги энг яхши кинотеатрлардан бири бўлган «Родина» кинотеатри 1956 йил бошида кенг экран блан жиҳозланади.

Республикада айни бир вақтда бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Тошкент киностудиясининг янги базаси ишлаб турган корхоналар қаторига қўшилади. Бу база янги техника блан жиҳозланади, рангли картиналар чиқариш учун мослаштирилади. (ЎзТАГ).

Ишчилар уй-жой қурмоқдалар

Бекобод цемент заводининг инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчилари ўзлари учун шахсий уй-жой қурмоқдалар, турли мева дарахти кўчатларини ўтказиб боғ яратмоқдалар. Чунончи, завод транспорт цехининг стрелкачиси Ма'мур Фозилов, капитал қўрилиш бўлимининг дурадгори Денисов ва бошқалар участкасидаги мева дарахтлари бу йил нишона берди. Шунингдек, давлат томонидан берилган ёрдам пули туфайли паровоз машинисти Бобораимов ҳам уй қуриб олди. Завод кадрлар бўлимининг мудири Пак, печь цехининг ишчиси Хўжавларнинг уйи битай деб қолди. Жуда кўп ишчилар уй-жой қуриш учун фундамент қўйдилар. Бу уй-жой қурувчиларга давлатдан берилган пул ёрдамидан ташқари, завод ма'мурияти томонидан турли қурилиш материаллари берилмоқда. Бу янги қурилган ва қурилаётган шахсий уй-жойлар туфайли цементчилар шаҳарчасининг қиёфаси ой сайин гўзаллашмоқда. Бўмбўш ерларда қатор қад кўтарган оппоқ уйлар ва кўкка бўй чўзаётган мирзатераклар хиёбони кишини мафтун қилмоқда.

А. ПАВЛЕНКО.

Ўқучиларнинг экскурсияси

Боёвут районидаги Молотов номли ўрта мактаб ўқучилари ўлкани ўрганиш мақсадида химия-биология ўқитучиси ўртоқ Тўрахўжаев раҳбарлигида «Султон ҳовуз» кўлига экскурсияга бордилар. Ўқучилар экскурсия давомида кўлнинг иқлим шароити, кўл ичи ва унинг атрофида яшайдиган жониворлар блан танишдилар. Шу блан бирга экскурсиядан география ва биология фанига оид гербарийлар тўплаб қайтдилар. Бу гербарийлар мактаб биология кабинетига қўйилди.

И. БОБОЕВ,
И. ҚУЛДОШЕВ.

Маданият хроникаси

* * *

Тошкентдаги «XVIII партконференция» артелида 200 ўринли ишчилар клуби қурилиб ишга туширилди. Клуб шинамгина безатилди, 200 та юмшоқ стул ва бошқа инвентарьлар блан та'минланди. Клуб ишга туширилгандан бери артель ишчилари ва маҳалла меҳнаткашлари учун «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш», «Революцион сезгирлик тўғрисида», «Фан ва техника», «Халқаро аҳвол» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилди ҳамда бирнеча марта кинофильмлар қўйиб берилди.

Х. ЖАЛИЛОВ.

* * *

Ўртасарой районидаги 18-нчи ўрта мактаб кутубхонаси ўқучиларга яхши хизмат кўрсатмоқда. Кутубхонанинг 12200 га яқин китоб фонди бор. Бу ерда бошлангич синф ўқучилари — кичик китобхонлар тўғрисида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Улар учун ажратилган китоблар сони 800 дан ортиқроқдир. Кутубхонада ёш китобхонлар учун адабий конференциялар ва қизиқарли темаларда суҳбатлар ўтказиб турилади.

К. СУЛТОНОВ.

Отоқли пролетар революционери

Кўзга кўринган большевик-революционер Николай Эрнестович Бауманнинг чор охранкаси агенти томонидан ёвузларча ўлдирилганига 50 йил тўлди. Улуг Ленининг содиқ шогирди, коммунизм иши учун фидокор курашчи, мард большевик Н. Э. Бауман ўзининг бутун сермазмун ҳаётини, куч ва билимини халқ озодлиги ва бахт-саодати учун буюк кураш ишига бағишлади.

Н. Э. Бауман 1873 йил 17 майда Қозон шаҳрида тугилди. Ёш Бауман китоб ўқишни беҳад севар эди. У ўзининг жуда кўп вақтини халқ бахт-саодати учун курашган илғор кишилар, буюк революционерларнинг асарларини ўрганишга сарф этди. Николай Бауман гимназияни тамомлаб 1891 йилда Қозон ветеринар институтига ўқишга кирди. У, студент бўлиб ўқиган йиллардаёқ ўз тақдирини меҳнаткаш халқ тақдири блан боғлади, революцион кураш йўлига кирди. Бауман Қозондаги ишчи ва студентларнинг яширин революцион ташкилотлари фаолиятида актив иштирок этди, ишчилар оммаси орасида революцион иш олиб борди. Институтни тамомлаб чиққандан сўнг Бауман революцион курашни ўзига асосий касб қилиб олди ва бу ишни зўр сабот ва гайрат блан давом эттирди.

1896 йилнинг кузида Бауман революцион маркэз—Петербургга борди. Бу ерда Владимир Ильич Ленин Петербургдаги бирқанча марксистик ишчи тўгаракларини «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»га бирлаштирган эди. Бауман Ленин блан шахсан учрашаолмади. 1895 йилнинг декабрь ойида чор ҳукумати В. И. Ленин ва унинг шогирдларини «Кураш союзи» иши юзасидан қамоққа олиб, кейинчалик Сибирьга сургун қилган эди.

Бауман Петербург ишчилари орасида, завод ва фабрикаларда яширин ишчи тўгараклари ташкил этди ва уларга раҳбарлик қилди. Революцион варақалар тарқатди, ишчиларнинг стачкаларини уюштирди.

1897 йил 22 мартда Бауман революцион фаолияти учун биринчи марта қамоққа олинди ва 22 ой Петропавловск крепостида ётганидан кейин чор ҳукумати уни 4 йил муддат блан Вятка губерниясига сургун қилди. Бауман сургунда бўлган йилларда ҳам ўз революцион фаолиятини тўхтатмади.

Бауман сургун жойидан яширинча четэлга қочди. Ўша йили, я'ни 1900 йилда Ленининг четэлга келиши бошқа рус эмигрантлари қатори Н. Э. Бауманнинг ҳаётида ҳам порлоқ саҳифа очди. Бауман «Искра» газетасини ташкил қилиш ва чиқаришда актив иштирок этди, В. И. Ленининг топшириғи блан бирнеча марта Россияга яширинча борди, Россиядаги революцион тўгараклар блан яширинча алоқа боғлаб, уларга «Искра» газетасини етказиб бериб турди.

Н. Э. Бауман марксистик ташкилотларни яширин адабиётлар блан та'минлаш ишини уюштирди. У махсус мухбирлар орқали «Искра» учун зарур бўлган кўпгина воқиалардан хабардор бўлиб турди, маҳаллий искрачиларни «экономистлар»га қарши курашга руҳлантирди, уларни жанговар марксистик ташкилот вужудга келтиришга чақирди. 1902 йил февральда Н. Э. Бауман маҳаллий искрачиларнинг кенгашида иштирок этиш мақсадида Киевга борди, кенгашдан Москвага қайтиб келаётганида полиция томонидан яна қамоққа олинди. У, кучли соқчилар блан Киевдаги Лукьянов тюрьмасига юборилди. 1902 йил августда Н. Э. Бауман бошлиқ 11 та социал-демократ искрачилар тюрьмадан қочишга муваффақ бўлдилар. Н. Э. Бауман Лондонга В. И. Ленининг ҳузурига борди. ҳамда Ленин кўрсатмаси блан «Искра» газетасининг ишига катта гайрат блан киришди, 1903 йилнинг апрелида В. И. Ленин блан биргаликда Женевага келди.

РСДРПнинг Москва комитети Н. Э. Бауманни партиянинг II с'ездига делегат қилиб сайлади. У, с'ездда Сорокин тахаллуси блан иштирок этди ва Москва ташкилотининг иши ҳақида кенгайтирилган доклад қилди. Бауман с'ездда муҳокама қилинган ҳарбир масалада ленинча позицияда турди. Ленин топшириғига мувофиқ Н. Э. Бауман 1903 йилнинг декабрида Россияга келди, Марказий Комитетнинг Шимолий Бюросини тузди ва унга раҳбарлик қилди.

1905 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган умумроссия стачкаси чор ҳукуматини тахликага солиб қўйди ва у 17 октябрь манифестини чиқаришга мажбур бўлди. Аммо бу манифест халқ оммасини алдашдан бошқа нарса эмас эди. Большевиклар оммага 17 октябрь манифестининг чор ҳукумати қўллаётган найранг эканлигини тушунтирдилар. Улар оммани манифестга ишонмасликка ва куролланишга, куролли кўзғолонга тайёрланишга чақирдилар.

1905 йил 18 октябрьда партиянинг Москва комитети томонидан ташкил қилинган кўпкишилик революцион намойишга тўпланган ишчилар сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун Таган тюрьмаси томон йўл олдилар. Намойиш ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Н. Э. Бауман қизил байроқ кўтариб колоннанинг олдинги сафида борди. Ана шу вақтда чор полицияси агенти халқнинг азиз фарзанди, оташин большевик Николай Эрнестович Бауманни Немис кўчасида (ҳозирги Бауман номидаги кўча) пана бир жойдан туриб, отиб ўлдирди.

Н. Э. Бауманнинг ёвузларча ўлдирилиши революцион ишчиларнинг чоризмга қарши ғазабини алангалатиб юборди. Уни кўмиш маросими ишчиларнинг катта революцион намойишига айланди. Намойишда бирнеча юз минг киши қатнашди. Партиямизнинг содиқ фарзанди Н. Э. Бауманнинг ёжиали ўлими ҳақидаги хабарни эшитган Владимир Ильич Ленин бундай деб ёзган эди: «Россиянинг социал-демократик пролетариати сафидаги курашчига абадий хотиралар бўлсин. Ғолибона революциянинг биринчи кунларида халоқ бўлган революционерга абадий хотиралар бўлсин. Кўзғолон кўтарган халқнинг марҳумнинг жасадига кўрсатган ҳурматлари кўзғолоннинг тўла ғалаба қозонишига ва ла'нати чоризмнинг батамом йўқ қилинишига ғаров бўлсин!» (Асарлар, 9 том, 467 — 468 бетлар).

В. И. Ленин башорат қилиб айтган бу сўзлар тўла амалга ошди. Коммунистик партия раҳбарлиги остида 1917 йил октябрьда ғалаба қозонган социалистик революция Россияда помешчиклар ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлаб, пролетариат диктатурасини ўрнатди.

Отоқли пролетар революционери Н. Э. Бауман курашган ва ўз ҳаётини фидо қилган иш бизнинг мамлакатимизда яшамоқда ва тантана қилмоқда. Коммунизм қураётган совет халқи ўзининг мард фарзанди Н. Э. Бауманни ҳечқачон эсдан чиқармайди.

А. ЧИНТОШЕВ.

Н. Э. Бауман хотираси

ҚОЗОН, 30 октябрь, (ТАСС). Бугун Татаристон АССР давлат музейида биринчи рус революциясининг актив иштирокчиси Николай Эрнестович Бауман ҳалоқ бўлган кунга 50 йил тўлиши муносабати блан йиғилиш бўлди. Йиғилиш қатнашчилари «Бауманнинг Қозонда бўлиши» деган темадаги докладни тингладилар.

Қозон шаҳрида Бауман туғилган ва яшаган уй, иккинчи гимназия (ҳозирги 2-нчи ўрта мактаб) биноси бор. Бу гимназияда Бауман та'лим олган эди. Бауман номига қўйилган Қозон ветеринария институтида Николай Эрнестович Бауман ветеринария врачи ма'лумотини олган эди. Бауман ўзининг революцион фаолиятини Қозонда бошлаган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти

1917 йил октябрьда мамлакатимизнинг ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб, Коммунистик партия раҳбарлиги остида буюк революцион ўзгариш ясади. Бунинг натижасида жаҳон тарихида янги давр — капитализмдан социализмга ўтиш даври бошланди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан бошлаб, ижтимоий тараққиётнинг икки асосий йўли: бир томондан, жаҳон капиталистик системасининг тоборо кўпроқ заифланиб бориш, унинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлик сферасининг қисқариш йўли; иккинчи томондан, социалистик системанинг узлуксиз кенгайиш ва мустаҳкамланиш йўли вужудга келди.

Бундан ўттиз саккиз йил илгари биргина мамлакат, бизнинг мамлакатимиз капитализм системасини ёриб чиқди. Мамлакатимизда ҳокимият тепасига социализм, демократия ва тинчлик байроғини юксак кўтарган ишчилар синфи чиқди. Ўша вақтдан буён аҳвол тубдан ўзгарди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг та'сири остида юз берган чуқур тарихий силжишлар ва иккинчи жаҳон урушида агрессив кучларнинг тор-мор келтирилганлиги натижасида бирқанча мамлакатлар империализм системасидан ажралиб чиқди; жаҳон капиталистик лагери блан бирқаторда янги жаҳон лагери — социализм ва демократия лагери вужудга келди.

Бир асрнинг учдан бири мобайнида ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисми Улуғ Октябрь революцияси баланд кўтарган байроқ остига тўплянди. Тарихий тажриба В. И. Ленининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бошқа мамлакатлардаги озодлик ҳаракатига кўрсатган та'сири ма'носидагина эмас, балки унинг ривожланишидаги асосий қонуниятларнинг халқаро миқ'ёсда тақрорланиши ма'носида ҳам ҳалқаро аҳамияти тўғрисида айтган сўзларини тамомила тасдиқлади.

Октябрь жанглари ўти ичида барпо қилинган совет давлати, пролетариат диктатураси давлати, янги коммунистик жамият қуришнинг қудратли қуроли, инсоннят тараққийпарвар кучларининг халқлар озодлиги ва бахти-саодати учун курашларида мустаҳкам таянчи бўлиб қолди.

1

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул — тарихий аҳамияти йил сайин тобора чуқурроқ намоён бўлмоқда, унинг жаҳон тарихининг юксалиб боришига кўрсатилган та'сири кучаймоқда.

Капиталистлар ва помешчиклар ҳукмронлигини ағдариб ташлаб, мамлакатимизнинг меҳнаткашлари янги, олий ижтимоий тузумни — капитализмнинг тузалмас иллатларидан ҳоли бўлган ва ишлабчиқариш кучларининг ўсиши учун чексиз эркинликлар берган совет социалистик тузумини вужудга келтирдилар. Эксплуатация асоратидан абадий халос бўлган меҳнат кишиси биринчи марта ўз Ватанининг, ўз тақдирининг хўжайини, янги жамиятнинг онгли ижодчиси бўлиб қолди.

Октябрь революцияси капитализм эзиб, бўғиб келган халқнинг зўр ижодий кучларини яйратиб юборди, омманинг битмас-туганмас ижодий ғайратини қўзғотди ва оммани тарихда энг чуқур ва энг қийин ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қилишга отлантирди. Коммунистик партия ўзининг гениал асосчиси ва йўлбошчиси Ленин етакчилигида совет халқига СССРда социализм қуришнинг илмий асосланган программасини белгилаб берди. Мамлакатни индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция қилиш ана шу программанинг энг муҳим звенолари эди.

Совет халқи Коммунистик партия ва В. И. Ленин ишларининг давомчиси И. В. Сталин бошчилигидаги Марказий Комитет раҳбарлиги остида бу плянни амалга оширди, социалистик жамиятни асосан қурди. Бу блан СССР тарихий тараққиётнинг янги даврига — социалистик жамият қурилишини тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш даврига кирди.

Бизнинг мамлакатимиз иқтисодий қолоқ мамлакатдан қудратли индустриалашган — колхозлашган социалистик давлатга айланди, ғоят қисқа муддат ичида қолоқликдан прогресс сари жуда катта бурилиш ясаб олга кетди. Социализмнинг моддий базаси, бутун халқ хўжалигининг асоси бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш тўғрисидаги ленинча йўлни изчиллик блан амалга оширабориб, Коммунистик партия биринчи даражали социалистик саноатни вужудга келтиришни та'минлади ва миллионлаб якка деҳқон хўжаликларини колхоз йўлига ўтказишга эришди. 1954 йилда СССР йирик саноати ишлабчиқарган маҳсулотлар ҳажми 1913 йилдагига нисбатан (солиштирма нархларда) 35 баравар ўсди, ишлабчиқариш воситаларини ишлабчиқариш қариб 60 баравар, электрэнергия ишлабчиқариш 75 баравардан зиёд, машинасозлик маҳсулотлари ишлабчиқариш 160 баравардан зиёд кўпайди.

СССР саноатининг юксак сур'атлар блан ривожланиб бориши социалистик экономиканинг капитализм экономикасидан тубдан устун эканлигини яққол кўрсатади. Агар Совет Иттифоқида 1954 йилда саноат маҳсулотининг ҳажми 1929 йилдаги даражадан 18 баравар ортиб кетган бўлса, Америка Қўшма Штатларида эса саноат маҳсулоти шу вақт ичида фақат 2,1 баравар, Англияда — 72 процент, Францияда — 14 процент ва Италияда — 77 процент ортди, холос.

СССРда ижтимоий ишлабчиқаришнинг мақсади халқнинг узлуксиз ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдан иборат. Халқ фаровонлиги тўғрисида, халқнинг яйраб яшнаши тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия ва ҳукумат бутун фаолиятининг асосидир. Партия ва ҳукумат социалистик саноатни, биринчи навбатда совет экономикасининг барча тармоқларини янада юксалтиришнинг асоси бўлган оғир индустрияни тобора ривожлантириб, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш, халқ истеъмоли товарларини ишлабчиқаришни кўпайтиришга қаратилган кенг тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Техникани узлуксиз равишда тараққий этдириб бориш коммунистик қурилишнинг энг муҳим шартидир. Социализм техникани такомиллаштириш учун чексиз имкониятлар яратиб бермоқда. Ғалаба қозонган социализм мамлакатининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда намуна кўрсатаётганлиги, совет ерида атом қуввати блан ишлайдиган дун'ёда биринчи электростанциянинг қурилганлиги тасодифий эмас. Бизнинг мамлакатимизда халқ хўжалигини юқори техника базасида ривожлантириш тўғрисида, халқ хўжалигини кўпроқ такомиллаштирилган машиналар ва механизмлар блан узлуксиз қуроллантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилинмоқда.

СССРда коммунистик қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар ғоят катта халқаро аҳамиятга эгадир. Бу муваффақиятлар капитализм абадий эмаслигини, капитализм ўз даврини ўтиб бўлганлигини ва инсоннят бутун халқнинг бахт-саодатини кўзлаб ишлабчиқариш кучларини, фан ва маданиятни ривожлантириб, социализм базасидагина олдинга қараб муваффақиятли равишда ривожланиши мумкинлигини амалда кўрсатади. СССРда коммунистик қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар чет эллардаги дўстларимизни қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда.

2

Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизнинг тарихий истиқболи учунгина буюк аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки бутун инсониятнинг тарихий истиқболи учун ҳам, бутун дун'ёдаги озодлик ҳаракати, революцион ҳаракатнинг ривожланиши учун ҳам буюк аҳамиятга эга бўлди. Россияда пролетар революциясининг ғалаба қозонганлиги жаҳон капитализмига ўнгарилмас зарба берди, унинг асосларини ларзага келтирди ва халқаро ишчилар ҳаракатининг ривожланишида бурилиш нуқтаси бўлди. Социалистик революция ғалаба қозонган мамлакатда бутун дун'ё ишчилар синфи, меҳнаткашлари ўзларининг энг яхши орзу-ҳаваслари ва умидлари мужассамланганлигини кўрмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, СССРда социализмнинг ғалабаси халқаро пролетариатни, барча меҳнаткашларни одам одамга дўст бўлган, эксплуатация ва миллий зулмдан ҳоли бўлган жамиятни қуриш учун курашнинг конкрет тажрибаси блан қуроллантирди.

Октябрь революцияси пролетариат жаҳон революцион ҳаракатининг янги шаклларини ва кўламини белгилаб берди. Пролетариатнинг жаҳон революцион ҳаракати ўсиб, мустаҳкамланди, бу ҳаракат ўз орасидан умум томонидан э'тироф этилган лидерларни етиштириб чиқарди, ҳарбир мамлакатнинг тарихий ва миллий хусусиятларига мувофиқ равишда ленинизмнинг стратегик ва тактик принципларини ижодий равишда тадбиқ этишда бой тажриба ортдирди. Кўпгина мамлакатларда коммунистик партиялар миллион-миллион меҳнаткашларни олға бошлаб бораётган оммавий партиялар бўлиб қолди. Ишчилар синфи эндиликда миллий мустақиллик, демократия ва тинчлик учун курашда барча чинакам ватанпарварларни жипслаштираётган ҳал қилучи куч бўлмоқда.

Қардош коммунистик ва ишчи партиялар ижтимоий тараққиётнинг юксалиб боришига тобора қудратли та'сир кўрсатмоқда, жамиятнинг тараққийпарвар кучларига тобора активлик блан ва қат'ият блан йўл очмоқда. Марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётбахш идеялари халқаро ишчилар ҳаракатида янгидан-янги ғалабаларга эришмоқда. Коммунизм кучлари ҳаммаерда ўсмоқда — ҳозирги замонининг асосий об'ектив қонунияти ана шунақа.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси меҳнаткашларнинг озодлик курашида пролетариатнинг гегемонлиги тўғрисидаги ленинча та'лимотнинг кучи ва ҳаётийлигини амалда исбот қилди. Пролетариатнинг гегемонлиги социалистик революциянинг муваффақияти учун шароит ҳозирлади, мамлакатимизда социализм ғалабасини та'минлади. Пролетариатнинг гегемонлигини изчиллик блан амалга ошириш — барча мамлакатлар меҳнаткашларининг ғолибона озодлик ҳаракатининг энг муҳим шарти ва гаровидир. Халқ демократияси мамлакатларининг тажрибаси бу фикрларнинг тўғрилигини яққол тасдиқлади. Ишчилар синфи ва унинг партиялари бу мамлакатларда раҳбар ва етакчи куч ҳисобланади. Бу эса халқ демократияси мамлакатларининг социалистик тараққиёт йўлига муваффақиятли равишда тушиб олишларини та'минлади.

Октябрь революцияси ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқининг енгилмас кучини намоён қилди, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ягона фронт бўлиб, келишиб ҳаракат қилганларида, умумий манфаатларни ёқлаб чиққанларида ишчилар синфининг авангарди—коммунистик партияга эргашиб борганларида нималарга қодир эканликларини ишонтирарли қилиб кўрсатди. Мамлакатимизнинг Коммунистик партия уюштирган ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқи буржуа ҳукуматини ағдариб ташлайолган, эски, капиталистик ишлабчиқариш муносабатларини тугатаолган ва янги, социалистик ишлабчиқариш муносабатларининг ривожланиши учун йўл очаолган қудратли ижтимоий куч бўлди. СССРда ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш тажрибаси ғоят катта халқаро аҳамиятга эга.

Капиталистик мамлакатларда деҳқонлар масаласи ҳозирги замон шароитида тинчлик, миллий мустақиллик, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар учун курашда бирлашган миллий фронт барпо қилиш тўғрисидаги масаланинг бир қисми сифатида айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Франция, Италия ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар ишчи ва деҳқонларнинг жанговар иттифоқини уюштиришга эришмоқдалар, меҳнаткаш деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар, меҳнаткаш деҳқонларни ўз социал ва иқтисодий ҳуқуқлари учун, тинчлик ва миллий мустақиллик учун курашга отлантирмоқдалар.

БАЙРАМНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги яқинлашмоқда. Шу кунга муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш—далада қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва уни ўз вақтида давлатга топшириш учун курашиш— ҳарбир пахтакор ҳамда механизаторнинг жонажон ишидир.

Суратда: «Полярная звезда» колхозининг илғор кишилари (чапдан ўнгга) А. Ўролов — у раҳбарлик қилаётган бригада планни муваффақиятли бажариб, гектаридан 28 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотланган чевар теримчи А. Тожиев. У, ҳозиргача 8 тонна пахта терди. Ли Николай — у раҳбарлик қилаётган бригада шу кунгача ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта топширди.

В. Сироткин ва Хе Черсан фотолари.

Эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаймиз

КИМ ПЕН ХВА,
Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Колхозимиз а'золарининг зўр ғайрат кўрсатишлари ва фидокорона меҳнатлари туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирдик ва Ўртасарой районида биринчи бўлиб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин бажаришга эришдик. Биз 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 25 центнердан пахта топширдик, топширилган пахтанинг 75 процанти отбор ва биринчи сортга қабул қилинди. Далаларимизда ҳали ҳосил кўп, йиғим-терим ишлари аввалгича уюшқоқлик блан давом этмоқда. Колхозимиз а'золари мавсумни тезда тугаллаш, кузги ишларни ўз вақтида бажариб олиш учун курашаётирлар.

Биз бу йил пахта етиштиришнинг янги, прогрессив усулига кўчдик. Бутун майдонларда чигит 60Х60, 60Х45 ва 45Х45 схемасида квадрат ва тўғри бурчакли шаклда уялаб экилди. Бу эса ғўза қатор ораларини машиналар ёрдами блан иккитомонлама ишлашга, ғўза парваришини қулай агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказиш имкониятини берди. Пахтачиликда сарф этиладиган меҳнат анча тежалди, шу блан бирга пахтанинг таннарҳи ҳам анча камайди. Масалан, 1954 йилда биз ҳар центнер пахта учун 8,6 меҳнат куни сарфлаган бўлсак, бу йил кўп деганда 6 меҳнат куни сарфладик.

Прогрессив усулда парвариш қилинган ғўзалар фақат мўл ҳосил тугибгина қолмади, балки бу усулда ғўза парваришидаги ишларни бир-бирига тўғри боғлаб олиб бориш мумкин бўлганидан ўсимликнинг ўсиши блан унинг ривожланиши ўртасида сезилардик ажралиш бўлмади. Бу эса пахтанинг эрта етилишини, кўсакларнинг ўтган йиллардагига қараганда хила барвақт очилишини та'мин этди. Натижада колхозимиз а'золари бу йил пахта йиғим-теримини бултургидан анча эрта, я'ни сентябрь ойининг дастлабки кунларидаёқ оммавий равишда бошлаб юборадилар.

Пахтачиликда муваффақиятга эришиш учун йиғим-теримни намунали ўтказиш ҳал қилучи аҳамиятга эга. Шунинг учун биз пахта теримига ғоят уюшқоқлик блан киришдик ва бу ишга барча колхозчиларни тўла сафарбар этдик. Мавсум давомида ҳар куни 720—730 киши муттасил пахта теримига қатнашиб турди ва уларнинг кўпчилиги мавсум топширигини ошириб адо этди. Бунинг сабаби шуки, биз теримда меҳнатни тўғри ташкил этиб уни ҳисобга олишни яхши уюштирдик. Шу блан бирга теримчиларга зарур бўлган барча маданий ва маиший шароитни яратиб бердик. Дала шийпонлари жиҳозланди; умумий овқат ташкил этилди; болалар боғчаси ва яслилари кенгайтирилиб, уларнинг иши яхшиланди; колхозчиларга, шунингдек четдан тортилган аҳолига ўз вақтида пул ва натура авансларн берилиб турилди.

Колхозимизнинг айрим илғор бригадалари мўл ҳосил етиштиришда ва йиғим-теримни уюштиришда анча олдинда бордилар. Масалан, Ўртоқ Ли Николай бошлиқ бригада а'золари ҳар гектар ердан 25,7 центнердан пахта топшириб, йиллик планни ҳаммадан олдин бажардилар. Бу бригада а'золари йиғим-теримни сра бўшаштирмай, ҳар гектар ердан яна 7 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Пахта йиғим-теримида 3-нчи участкамиз (полеводи Ўртоқ Абдуқодиров) пахтакорлари ҳам меҳнат унумини оширишда катта ютуқларга эришдилар. Бу участкада теримчиларимиз кунига ўрта ҳисобда 100 килограммдан пахта терди ва давлат планини 23 октябрьда бажаришга муваффақ бўлдилар.

Умуман бу йил йиғим-терим ишлари ғоят уюшқоқлик блан олиб борилгани учун биз мавсумнинг 54 куни ичидаёқ давлатга 2500 тоннадан кўпроқ пахта топшираолдик. Шу даврда 300дан кўпроқ теримчи нормани доим ошириб бажариб келди. Йиғим-теримни муваффақиятли давом этишида транспорт бригадамиз а'золари ҳам астойдил ишладилар. 6 автомашина ва 200 арава блан пахта ташилиб турилди. ЗИС—5 автомашинасининг шофери Ўртоқ Ли Николай ғоят юксак меҳнат намунасини кўрсатди. Унинг бир ўзи мавсумда 325 тонна пахта ташиди. Шунингдек, аравакашлардан Ўртоқ Ўралов ҳам ҳаммадан олдинда бориб, 40 тоннадан кўпроқ пахтани ташиб берди.

Пахта йиғим-теримини тезлатишда Тошкент шаҳар Киров районидан келган ишчи-хизматчилар, дам олиш кунлари ва бўш вақтларида теримга қатнашган Паркент райони ва Ўртасарой районидаги айрим мактаб ўқучилари бизга катта ёрдам бердилар. Биз ҳозиргача топширган пахтанинг бешдан бир қисмини шу ёрдамчилар териб бердилар.

Колхозимиз пахта тайёрлаш планини бажариш блан бирга давлатга маҳсулот топширишдаги бошқа мажбуриятларни ҳам ўз вақтида адо этди. Масалан, биз 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан шоли, лалми ерлардаги дон экинларининг ҳар гектарида 11 центнердан ҳосил етиштирдик. Маккажўхори ҳосили ҳам мўл бўлди. Натижада биз мол қишлови учун минг тоннадан кўпроқ силос бостириб қўйдик.

Хўжаликни комплекс равишда ривожлантириш туфайли даромадимиз ошмоқда. Колхоз бу йил ўтган йилдагидан анча кўп даромад олади ва колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига камида 13 сўмдан пул ва 4 килограммдан дон, шу жумладан 2,5 килограммдан шоли тақсимлайди. Бўлинмас фондга 2 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилади.

Шу кунларда биз пахта йиғим-теримни тезроқ тугаллаш учун курашмоқдамиз. Бу йил далаларимизда биринчи марта 2 та кўрак териш машиналари ишлатилмоқда. Бу машиналар блан ўтган 5 кунда 150 тонна кўрак терилди. Яқин кунларда далаларимизда ғўзапоя юладиган машиналар ҳам ишлайбошлайди. Биз ғўзапояни юлиш блан бир вақтда ерга суперфосфат ҳам солиб кетамиз.

Колхозимиз а'золари байрам олди меҳнат вахтасида туриб, шонли Коммунистик партиямиз XX с'ездини ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси 38 йиллиги байрамини муносиб совға блан кутиб олиш учун курашиб, давлатга яна 300 тонна пахта топширишга аҳд қилдилар. Улар бу мажбуриятни ҳам шараф блан бажарадилар.

☆ ☆ ☆

Пахта далаларида

Сирдар'ё районидаги «XIX партс'езд» колхозининг ўртоқ Ил'ёс Персетов бошлиқ бригада а'золари 93 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 25,5 ўрнига 30 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача бригададаги 75 теримчининг ҳаммаси кунлик нормаларини ортиғи блан бажариб келаётир.

Теримчилардан А. Мамедова, Ҳ. Эсонтўраев, Ҳ. Қораев, Бердиева, Ягаева каби илғорлар кунига 120—150 килограммдан пахта термоқдалар. Бу эса ҳозиргача бригадада пахта тайёрлаш йиллик планини 97 процент қилиб бажариш имконини берди. Шунингдек, колхознинг Б. Исоқов, Н. Отеметов, Н. Жойноқов ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳам йиллик планни бажариш арафасида турипдилар. Партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган бу илғор бригада а'золари пландан ташқари қўшимча 25 процент миқдорида пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Н. САИДОВ.

* * *

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг илғор теримчиси ўртоқ Ойнисо Меҳмонова ўнминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, йиғим-теримда зўр ғайрат блан меҳнат қилаётир. У, ҳозиргача 8210 килограмм пахта териб, колхозда ҳаммадан олдинда бораётир. Ўртоқ Меҳмонова пахтани сифатли қилиб теришда ҳам намунали иш қилаётир. У шу кунгача бошқаларга нисбатан энг кўп отбор ва биринчи сорт пахта терди. Колхознинг М. Хўжаева, С. Абдуллаева, М. Жумабоева ва бошқа теримчилари ҳам Ойнисо Меҳмонованинг иш усулини қунт блан ўрганиб, йиллик терим топширигини ҳозиргача 150 процентдан ошириб бажардилар.

Э. ЯНГИБОЕВ.

* * *

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг чевар теримчиси Муборак Исмоилова КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, доим кўп пахта тераётир. У, пахтани жадал ва сифатли териш усулини пухта ўзлаштирди ва ишни соатлик график асосида ташкил этганлиги сабабли катта ютуққа эришди.

Шунлай қилиб, ўртоқ Исмоилова ҳозиргача 11650 килограммдан ортиқ пахта териб хирмонга топширди. У, Улуғ байрамгача яна 1000 килограмм пахта териб, ўз мажбуриятини шараф блан бажариш учун курашаётир.

Т. ХАЙДАРОВ.

* * *

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг меҳнатсевар а'золари ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб, 690 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ана шу етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай тезда йиғиб-териб давлатга топшириш мақсадида социалистик мусобақани ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юбордилар. Кўпминг килограммчилар ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда.

Мавсумда 15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган М. Бўриев, Р. Эргашева, У. Мансурова, Ҳ. Бозорбоева каби ўнлаб ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажармоқдалар. Улар шу вақтга қадар 5000—6000 килограммга етказиб пахта тердилар. Уларнинг илғор методлари барча теримчилар ўртасида кенг ёйилмоқда.

С. МУСЛИМОВ.

☆ ☆ ☆

Илғорлар тажрибаси кенг ёйилмаётир

Биз, Бўка районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Каримовдан колхозчилар қаерда ишлаётганлигини сўрадик. У, колхозчилар овқатланганн ўйларига кетганлар, деб айтди.

— Тушгача терган пахталари қани?— деб сўрадик яна.

— Теримчиларимиз 53 гектар пахта майдонини хоҳлаган жойда теравердилар. Кечқурин далама-дала юриб аравада йиғиб чиқамиз,—деди бригадир.

Бу ҳол фақат шу бригадада эмас, балки колхознинг бошқа бригадаларида ҳам юз бермоқда. Колхозчилар шийпонда овқатланиб, тезроқ теримга тушиш ўрнига қиммат-ли вақтларини беқорга ўтказиб кўпинча уйларига бориб келишга мажбур бўлмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам бу колхозда терим сур'ати суст.

Шу райондаги Охунбобоев номли колхоз Сталин номли колхоз блан қўшни. Ерлари бир-бирига туташ. Шароити ҳам бирхил. Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим ишларини мақсадга мувофиқ олиб бориш учун барча тадбирларни кўрмоқда. Бригадаларда эрталаб чой, тушда иссиқ овқат қилиб берилади. Ҳар 10 кунда меҳнат кунларига пул ва галла авансларн бериб турилади. Шунингдек, кунига 100—110 килограммга етказиб пахта тераётган С. Жўраева, Ш. Қулмуродова, М. Деҳқонбоева, Т. Бойматова, Қ. Бойназарова каби ўнлаб илғор теримчиларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Колхозда «Ҳурмат тахта»сн ташкил этилган. Бунга илғор теримчиларнинг расмлари ёпиштирилиб, тагига номлари ёзиб қўйилади. Йиғим-терим даврида бригадалараро социалистик мусобақа ҳамавақт яхши йўлга қўйилгани учун яхши натижаларга эришилаётир.

Охунбобоев номли колхоз райондаги илғор колхозлардан бири ҳисобланади. Колхозда пахта териш ва уни тайёрлаш юзасидан берилган топшириқ тўла бажарилмоқда. Партиямизнинг октябрь Чақириқларидан илҳомланган ватанпарвар колхозчилар улуғ байрамгача ўз устларига олган мажбуриятни 100 процент бажариш учун курашмоқдалар.

Хўш, шу колхоз блан ёнма-ён бўлган Сталин номли колхозда аҳвол қанақа? Очиғини айтганда, Сталин номли колхознинг раиси Файзиев, партия ташкилотининг секретари Мусирмонов ўртоқлар ўз ишларига бепарволик блан қарамоқдалар. Йиғим-теримни зўр уюшқоқлик блан олиб бориш ҳақида, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш тўғрисида қайғирмайдилар. Шунинг учун ҳам колхоз давлатга пахта топширишда анча орқада қолиб кетмоқда.

Колхозда пахта камми ёки одам етишмайдими? Бу ерда барча имконият мавжуд. Ишдаги суст кашликка сабаб шундаки, колхоз раҳбарлари ўзлари тузиб қўйган графикка ўзлари амал қилмаётирлар.

График бўйича 21 октябрьда 395 киши пахта теримида қатнашиши керак, деб кўрсатилган, ваҳоланки шу куни атиги 270 киши пахта терган. Бу колхозда йиғим-терим сур'атининг пасайиб кетишига илғорларнинг тажрибалари оммалаштирилмаётганлиги ҳам ёмон та'сир қилмоқда. Областимизгагина эмас, ҳатто республикамизга донги кетган Соадат Гулаҳмедова, ва унинг чевар дугоналари—Т. Мирзаева, З. Мавлонова, Х. Бердиева, К. Васинова каби ўнлаб теримчилар кундалик нормаларини 2-3 баравар ошириб бажарадилар. Аммо колхоз партия ташкилоти илғор теримчиларнинг иш тажрибасини барча теримчилар ўртасида оммалаштирмаётир. 1-нчи бригада а'зоси Р. Рўзиматова мавсум бошидан ҳар куни 100 килограммдан ошириб пахта теради. Кейинги кунларда болалар боқчасининг мунтазам ишламаслиги, бригадаларда болалар учун ясли ташкил қилинмаганлиги натижасида боласи бўлган теримчи аёллар бир кун 100 килограмм пахта терса, эртасига 30-40 килограммдан пахта терадиган бўлиб қолди.

Колхозда йиғим-терим сур'атининг пасайиб кетишига колхозчиларга ўз вақтида пул ва галла авансларнинг бериб борилмаётганлиги ҳам та'сир кўрсатмоқда. Бригада а'зоси меҳнат кунларига аванс тариқасида бериладиган пул ва галлани 5—10 кунлаб кечикиб оладилар. Шунингдек, бригадаларда меҳнат интизоми анча бўшашиб кетган. Снёсий-агитация ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Деворий газета, «Жанговар варақа»лар вақтида чиқарилмайди.

Колхозда ҳосилнинг нобуд бўлишига ҳам йўл қўйилмоқда. 1,2 ва 5-нчи бригадаларда колхозчилар ҳохлаган жойга тушиб пахта тераверадилар. Теримчилар иши устидан ҳеҳқандай контрольлик ўрнатилмаган. Натижада юқоридаги бригадаларнинг бирнеча гектар ерида пахта чаноқларда қолиб кетмоқда. Бундан ташқари ўқариқ ва йўлларда пахталар тўкилиб ётибди. Колхоз раҳбарлари эса бундай аҳволни кўра-биладиб, ҳеҳқандай чора кўрмаётирлар.

Сталин номли колхоз пахта йиғим-теримини тезлаштиришда ўз қўшниси Охунбобоев номли колхоздан ўрнак олиши, йўл қўйиб келинаётган жиддий камчиликка тезда барҳам бериб, пахта йиғим- теримида кескин ўзгариш ясаши керак.

Х. НАЗИРОВ.

Намунали пахта тайёрлаш пунктида

Қуйичирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР бешиллиги» совхозида етиштирилган ҳосилни қабул қилиб олучи пахта тайёрлаш пунктида (мудири ўртоқ П. Хўжаев) бу йил мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Пункт ўз вақтида ремонт қилинди, қўшимча айвон, саройлар қурилди, асбоб-ускуналар, тош-тарозилар тахт қилинди.

Пахтани бўшатиш, қоплаш ва бунтларга уйиш ишларини асосан машиналаштириш тадбирлари қурилди. Бунинг учун қоплаш станоклари, транспортёрлар тайёрланди. Енгинга қарши курашга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.

Бу тадбирлар пахта қабул қилиш ишининг тез ва тартибли боришини та'мин этаётир. Пахта келтирган автомашина, аравалларнинг кутиб қолишига бутунлай барҳам берилди. Шунингдек пункт ишчи ва мутахассисларининг меҳнат унуми ошиб, кун сайин кўпроқ пахта қабул қилинаётир. Агар ўтган йил 1 октябрьгача пунктда 1020 тонна пахта қабул қилинган бўлса, ҳозиргача бу миқдор бирнеча марта ошиб кетди.

Пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмаслик учун пункт ховлиси ва атроф кўчаларга тўкилган пахталарни пешма-пеш териб олиш учун махсус кишилар қўйилган.

С. ЙЎЛДОШЕВ,
М. ЭРСОЛИЕВ

Мустамлака ва қарам мамлакатлар деҳқонлар ҳаракати ҳам пролетариат блан мустаҳкамланиб бораётган иттифоқ белгиси остида ишчилар синфи ва унинг коммунистик авангардининг бу иттифоқдаги етакчилик роли туфайли кенгайиб бормоқда. Бу мамлакатларнинг деҳқонлар оммаси фақат ишчилар синфининг раҳбарлиги остида феодал ва империалистик асоратдан тўла озод бўлишлари мумкинлигини кўрмоқдалар.

Барча мамлакатларда меҳнаткашлар ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи ягона ижтимоий куч эканлигига, бу ижтимоий куч эксплуататорлар тузимини йўқ қилиши ва янги, ҳарқандай зулм ва кишини киши эксплуатация қилишдан ҳоли бўлган чинакам адолатли ижтимоий тузимни вужудга келтириши мумкин эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар.

3

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси империализм асосларини ларзага келтириб, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқлар миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиб кетишига ғоят кучли та'сир қилди. У, мазлум халқларга уларнинг озод бўлишнинг реал йўллари ва усулларини кўрсатиб берди.

Мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик ҳаракати ҳеҳқачон бизнинг замонимиздагидек кўламга эга бўлмаган, шундай кучли ва уюшқоқлик даражасига кўтарилмаган эди. Бизнинг замонимизда империализмнинг мустамлака системаси емирилмоқда. Октябрь революциясидан ўрнак олган мазлум мамлакатларнинг халқлари империалистик зулмга қарши янги ва эркин ҳаёт учун қат'ий кураш олиб бормоқдалар.

Октябрь революциясидан кейинги энг катта воқиа бўлган хитой халқининг ғалабаси бутун жаҳон империалистик системасига янги қақшатгич зарба берди. Олтиюз миллионли хитой халқи Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида империализм зулмидан қутилиб, социалистик ўзгаришларнинг кенг йўлига чиқиб олди. Бу, Осиёдаги аҳволни тубдан ўзгартириб юборди.

Осиё аҳолиси 1 миллиард 400 миллионга яқин кишини ташкил этади. Эндиликда бу аҳолининг қариб ярми империалистик асоратдан қутилди ва социалистик лагерга қўшилди. Фашист Германияси ва империалистик Японияннинг тор-мор келтирилганлиги натижасида Хитойда, Кореяда, Вьетнамда империализм фронти ёриб ўтилди, бу мамлакатларда мустамлакалар ва ярим мустамлакалар ўрнига халқ республикалари барпо қилинди. Ҳиндистон, Индонезия, Бирма мустамлака режимидан қутилиб, мустақил ривожланиш йўлига тушиб олдилар. Африкада, Яқин ва Ўрта Шарқда миллий-озодлик ҳаракати ўсиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ғоят кенг миқёсда жаҳон империализмининг позицияларини заифлаштирмоқда.

Шарқ халқлари жаҳон сиёсатида актив куч бўлиб қолдилар. 1955 йил апрелида Бандунгда бўлиб ўтган Осиё ва Африканинг 29 мамлакати қатнашган конференция бу тарихий фактни яққол намойиш қилди. Конференция мустамлакачилик зулмига қарши курашишни қат'ий қилиб қўйди, Осиё ва Африкадаги барча қарам халқларни озод қилиш учун, турли сиёсий системадаги давлатларнинг тинчтотув яшаши учун курашишни қат'ий қилиб қўйди.

Октябрь революцияси метрополияларда капитализмни заифлаштириб, мустамлакаларда унинг позицияларини ларзага келтирди. Империализм ўз мустамлакаларидан, ўз мустамлака резервларидан ажралмоқда. Октябрь революциясининг та'сири остида бошланган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг империализм резервидан пролетар революциясининг резервига айланиш процесси тобора авж олмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқлар ўртасида тинчлик учун кураш байроғи остида ғалаба қозонди. У миллион-миллион кишиларни империалистик урушдан қутқарди. Голибона социалистик революция босқинчилик урушларидан, бошқа халқларни асоратга солиш ва эзишдан манфаатдор бўлган синфларни ағдариб ташлади. Октябрь революцияси ғалабасининг эртасигаёқ Советларнинг Бутунроссия II с'езди Совет ҳокиматининг биринчи декретини — сулҳ тўғрисидаги декретни қабул қилди. Бу декретда чинакам демократик асосларда умумий тинчликни ўрнатиш программаси та'рифлаб берилган эди. Улуғ Ленин ёзган бу тарихий ҳужжатда ёш Совет давлати ўзининг қат'ий қарорини э'лон қилди: тинчлик ишини муваффақиятли равишда охиригача олиб бориш ва шу блан бирга меҳнаткашларни ва аҳолининг эксплуатация қилинучи оммасини ҳарқандай қулликдан ва ҳарқандай эксплуатациядан озод қилишни охиригача етказиш ишини қатият блан э'лон қилди. Сулҳ тўғрисидаги ленинча тарихий декретдан бошлаб ҳозирги кунгача Совет давлати аниқ, принципиал ташқи сиёсат юргизиб келмоқда. Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун тинмай курашиш—Совет давлати ташқи сиёсатининг асосидир.

Тинчлик учун изчиллик блан курашиш СССРнинг заифлиги аломати эмас, моментнинг ўткинчи манфаатларидан ёки ҳалқаро кучларнинг муваққат мувозанатидан келиб чиқмайди. Тинчлик учун изчиллик блан курашиш Совет Иттифоқининг табиатидан келиб чиқади. Босқинчилик сиёсати, бошқа халқлар устидан зўрлик қилиш сиёсати Совет Иттифоқига ётдир.

Тинчлик учун кураш Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг бош йўлидир. СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсати давлатларнинг, уларнинг ижтимоий ва давлат тузумидан қат'и назар, узоқ вақт тотув яшаши ва тинч иқтисодий мусобақалашиши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча принципга таянади. Совет ҳукуматининг ташқи сиёсати жанжалли халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал қилишга қаратилган. Совет ҳукумати бошқа мамлакатлар блан, катта ва кичик мамлакатлар блан ўз муносабатларини тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик, суверенитет ва миллий мустақиллик принципларига қурган.

Кейинги вақтларда Совет Иттифоқи халқаро майдонда умумий тинчликни ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган бирқанча тадбирларни амалга оширди. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги бу ташаббусининг натижалари яхши ма'лум. Австрия масаласининг муваффақиятли равишда ҳал қилинганлиги, Совет-Югославия муносабатларида бурилиш ясалганлиги, тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевада бўлиб ўтган Кенгаши, Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилганлиги, СССР блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида битим тузилганлиги, Совет-Финляндия музокараларининг муваффақиятли равишда якунланганлиги ва бошқа бирқанча масалаларнинг ҳал қилинганлиги каби фактлар бутун халқаро вазиятга ижобий та'сир кўрсатди, халқаро кескинликнинг муайян даражада юмшашига ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам берди. Тинчлик ва халқлар дўстлигининг мустаҳкам таянчи бўлган Совет Иттифоқининг халқаро обрўйи янада кўтарилди.

Совет давлатининг изчиллик блан олиб бораётган тинчликсевар ташқи сиёсати барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда ҳамда янги уруш ҳавфига қарши тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳозирги замон қудратли ҳаракатини илҳомлантираётган манба' бўлмоқда. Тинчлик тарафдорлари ҳаракати шу вақтгача мисли кўрилмаган энг кенг ва энг оммавий умумдемократик ҳаракатдир. Бу ҳаракат турли синфлар ва социал табақаларнинг халқаро кескинликни тўхатишдан, янги жаҳон уруши ҳавфининг олдини олишдан, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан жуда манфаатдор бўлган вакилларини тинчлик учун кураш байроғи остида бирлаштиради. Эндиликда капиталистик мамлакатлардаги давлат ва жамоат арбоблари бу ҳаракат блан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас. Уруш ва тинчлик тўғрисидаги масала ҳозирги кунниг асосий масаласи, халқнинг ўзи ҳал этиши зарур бўлган масала бўлиб, барча мамлакатлардаги аҳолининг энг кенг табақалари онгига етиб борди. Ҳукмрон буржуа доиралари ўз империалистик планларини халқларнинг ҳоҳиш-иродаси блан ҳисоблашмай тузиб келган замонлар аллақачон ўтиб кетди.

Тарихда биринчи марта Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси бошчилигидаги тинчликсевар давлатларнинг қудратли ва мустаҳкам лагери вужудга келди; бу лагерь янги жаҳон урушини чиқаришга қарши қудратли тўсиқ бўлиб турипти.

4

Октябрь революцияси меҳнаткашларнинг ўз озодлиги учун, социализм танланаси учун курашидаги буюк халқаро ҳамкорлиги идеологияси бўлган пролетар интернационализми байроғи остида ғалаба қозонди. Эндиликда пролетар интернационализми идеялари халқаро ишчилар ҳаракатига, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги мазлум халқлар олиб бораётган миллий-озодлик курашига тобора қудратли та'сир кўрсатмоқда.

Социалистик лагерь мамлакатлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ўзаро қардошларча ҳамкорлик блан белгиланадиган муносабатлар пролетар интернационализмининг мустаҳкам базасига таянади. Бу муносабатлар янги, социалистик типдаги муносабатлардир, улар тўла тенгликка, миллий манфаатларни ўзаро ҳурматлашга, социализм ва коммунизм қурилишида умум муваффақиятларга эришиш учун астойдил интилишга таянади.

Халқ демократияси мамлакатлари СССРнинг социализм қуришда тўплаган энг бой сиёсий ва иқтисодий тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар. Ўз навбатида совет халқи ҳам халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари эришган ютуқларни ўрганиш ва ўзлаштиришни ўз бурчи деб билади. Тажрибани ўзаро эгаллаб, бойиб бориш ҳарбир мамлакатнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда.

В. И. Ленин бундай деб та'лим берган эди: «Барча миллатлар социализмга боради, бу турган гап, лекин уларнинг ҳаммалари социализмга бирхилда бормайди, ҳарбир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини социалистик асосда ўзгартиришнинг бирор сур'атига ўз хусусиятини киритади». (Асарлар, 23 том, 71 бет).

Ленинизмнинг умумий принциплари блан белгиланадиган бош ва асосий масалада бирлик бўлгани ҳолда, социалистик қурилишнинг конкрет проблемаларини ҳал қилишда турли халқ демократияси мамлакатларида ҳархил форма ва методлар қўлланилмоқда.

Марксизм-ленинизм коммунистик ва ишчи партияларни капитализмдан социализмга ўтишнинг умумий йўллари ва специфик хусусиятлари тўғрисидаги та'лимот блан қуроллантиради. Умумий йўллар ижтимоий тараққиёт қонунларининг амал қилиши блан боғлиқ бўлиб, улар капитализмдан социализмга ўтиш даврида барча мамлакатлар учун бирдек мажбурийдир. Специфик хусусиятлар эса ана шу қонунларнинг бу ёки у мамлакатда конкрет тарихий шароитларга кўра амал қилиши блан белгиланади.

Социализм ва коммунизм йўлидан ишонч блан олга бораётган озод халқларнинг қардошларча дўстлик алоқалари блан мустаҳкамланган қудратли социализм лагерининг яшаб турганлиги ишчилар синфининг, дун'ёдаги барча меҳнаткашларнинг ўз кучларига, Октябрь революцияси халоскор идеяларининг тўла тантана қилишига бўлган ишончини мустаҳкамлоқда. Бу идеялар халқ оммаси онгига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда ҳамда уни империалистик реакцияга қарши, тинчлик учун, демократия ва социализм учун, халқларнинг бахтиёр келажаги учун курашга илҳомлантирмоқда.

Улуғ Октябрь ғалабаси туфайли тарихий ижодиётнинг юксак чўққиларига кўтарилган совет халқи Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган ҳолда социализмни батамом қуриш ҳамда секинаста коммунизмга ўтиш йўлидан комил ишонч блан бормоқда. Октябрь революциясининг ғалабаси натижасида, Коммунистик партия раҳбарлигида Ватанимиз бошқа халқларга чинакам озодлик ва тараққиёт йўлини, социализм йўлини очиб берганлиги блан совет халқи фахрланади. Совет халқи мамлакатимизда коммунистик жамиятни батамом қуриш ва шу блан бутун инсониятга коммунизм йўлини очиб бериш иштиёқи блан тўлиб-тошгандир.

И. ПЕТРОВ.

СССР Олий Совети делегацияси Софияга келди

СОФИЯ, 30 октябрь. (ТАСС). Иттифоқ Совети Мандат комиссиясининг а'зоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Беляев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг таклифи блан бугун Софияга келди.

Болгария Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган аэродромда СССР Олий Совети делегациясини Болгария Халқ Республикаси Халқ Мажлиси Президиумининг раиси Г. Дамянов, Министрлар Советининг раиси В. Червенков, Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари А. Югов, Г. Трайков, И. Михайлов, Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретарьлари Д. Ганев ва Б. Тасков, касаба союзлари Марказий кенгашининг раиси Т. Прахов, Халқ мажлиси Президиуми раисининг ўринбосарлари К. Клисурский ва Г. Кулишев, Халқ мажлиси Бюросининг раиси Ф. Козовский, министрлар, Ватан фронти Миллий кенгаши Доимий Бюросининг а'золари, София шаҳар Халқ советининг раиси Д. Попов, Халқ мажлиси депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Делегацияни СССРнинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов, СССР матбуот вакиллари ҳам кутиб олдилар.

Аэродромда тўплангэнлар СССР Олий Совети депутатларини чин кўнгилдан табрикладилар. София пионерлари меҳмонларга гулдасталар тақдим қилдилар. Халқ мажлиси Бюросининг раиси Ф. Козовский совет парламент делегацияси а'золарига мурожаат қилиб, бундай деди:

— Қадрдош Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмонлар! Халқ Республикамизнинг Халқ мажлиси номидан, демак, бутун болгар халқи номидан ҳам сизларни Болгария ерига қадам қўйишингиз блан табриклашимга ва Сизларга «Азиз ва қадрдон оғаниларимиз, хуш келибсиз!» деб айтишга ижозат бергайсиз.

Биз сизлар орқали қаҳрамон совет халқини ва унинг улуғ давлатини — тинчликнинг қудратли қўрғонини ва инсониятнинг энг ғўзал умидларининг қўрғонини табрикламоқдамиз. Биз асрий қон дўстимиз бўлган ва аввало халқларимизнинг энг азиз истакларини рўёбга чиқариш учун умумий туйғулар ва идеаллар блан биз блан биргаликда меҳнат қилэётган ва курашаётган, бизнинг икки марта халоскоримиз бўлган Совет Иттифоқини табриклямоқдамиз. Биз ишонамизки, шу қадар юксак даражадаги совет делегациясининг мамлакатимизга келиши СССР блан Болгария халқлари ўртасидаги дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, тинчлик ва социализм учун умумий курашимизни янада кўпроқ кучайтиради.

СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи Н. И. Беляев табрикка жавобан бундай деди:

— Ғўзал мамлакатингизни келиб кўриш тўғрисида юборган таклифингизни катта хурсандчилик ва мамнуният блан қабул қилдик. Бу таклифингиз учун ва бизни шунчалик самимий ва дўстона кутиб олганлигингиз учун чин кўнгилдан ташаккур айтамиз.

СССР Олий Совети ва бутун совет халқи номидан шонли пойтахтингиз София аҳолисига ва бутун болгар халқига қизғин салом топширишимга ижозат бергайсиз.

Бутун совет кишилари халқингизнинг меҳнат соҳасидаги қаҳрамонликларини ва тинчликни ҳимоя қилиш йўлида актив курашаётганлигини катта ҳайрихоҳлик блан ва э'тибор бериб кузатиб бормоқдалар ҳамда сизларга ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тиламоқдалар.

Халқларимизнинг ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги айниқса Болқон мамлакатларида тинчликни та'минлашнинг муҳим факторидир, бу дўстликнинг чуқур тарихий томирлари бор.

Биз ишонамизки, сизларнинг мамлакатингизга келишимиз, сизлар блан шахсий алоқалар боғлашимиз халқларимиз ўртасида давом қилиб келаётган самимий, қизғин муносабатларни янада чуқурлаштиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу блан бутун дун'ёда тинчликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Қадрдошларча кутиб олганлигингиз учун сизларга яна бир марта ташаккур айтамиз ва ватанингизни яшнатиш учун, халқлар ўртасида дўстликни ва тинчликни та'минлаш учун курашда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин бузилмас Болгар — Совет дўстлиги!

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик!

В. М. МОЛОТОВ Д. Ф. ДАЛЛЕС БЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ЖЕНЕВА, 30 октябрь. (ТАСС). СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов совет делегациясининг биносида бугун АҚШ давлат секретари Д. Ф. Даллес жаноблари блан суҳбатлашди.

Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну Олмаотага келди

ОЛМАОТА, 30 октябрь. (ТАСС). Бирма Бош Министри У Ну, унинг рафиқаси До Мья И, Бирманинг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Монг Он, Бирманинг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Хла Маунг, Бирманинг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Чин ва унинг рафиқаси Чин хоним, Бош Министр секретари У Тан, полковник Аунг Джи, У Хла ва У Нве бугун Қозоғистон пойтахти Олмаотага келдилар. СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССРнинг Бирмадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари ҳам меҳмонлар блан бирликда Олмаотага келдилар.

Бош Министр У Ну ва унинг ҳамроҳлари Бокудан Олмаотага боратўриб, йўлда Урта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда тўхтадилар. Бу ерда улар Темур ва унинг авлодларининг соғоналари бўлган Гўри-Амир Мақбарасини зиёрат қилдилар. У Ну ва унинг йўлдошлари қадимий ўзбек архитектурасининг бутун дун'ёга машҳур ёдгорликларини — Регистонни, Шоҳи-зиндани, шунингдек XV асрдаги улуғ ўзбек олими Улуғбек томонидан қурилган обсерваториянинг қолдиқларини бориб кўрдилар.

Бирма, СССР ва Қозоғистон ССР давлат байроқлари блан безатилган Олмаота аэропортида Бош Министр У Нуни, унинг рафиқаси До Мья Ини ҳамда Бош Министр ҳамроҳларини кутиб олмоқ учун Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Д. А. Кунаев, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Л. И. Брежнев, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари А. Б. Бейсенов, К. Н. Крюкова, А. С. Орлов, Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Б. Бойғалиев, М. Бейсебоев, И. Г. Слажнев, Қозоғистон ССР министрлари, СССР ва Қозоғистон ССР Олий Советларининг депутатлари, область Совети ижроия комитетининг раиси Р. Ильяшев, шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ф. А. Мамонов, меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари, маданият, сан'ат ва фан арбоблари, журналистлар тўпланган эдилар.

Занли Олатовининг қор босган чўққилари томонида қуёш нурларида ярқираб учиб келаётган самолётлар кўринади. Тез орада бу самолётлар ерга қўнади. Гулдурос қарсаклар блан кутиб олинган Бирма Иттифоқи вакиллари самолётлардан чиқадилар. У Ну республика ҳукуматининг а'золари блан танишади. Болалар меҳмонларга гулдасталар тақдим этадилар. Бирма, СССР ва Қозоғистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Д. А. Кунаев табрик нутқи сўзлайди. У Ну жавоб нутқи сўзлаб бундай дейди:

— Раис жаноблари, мэр жаноблари, дўстлар!

Мен буерга келганимдан жуда бахтлиман. Чўл-биёбонларни боғ-бўстонларга ва экинзорларга айлантирмоқ учун бу ерда дадиллик блан ишлар қилинаётганлигини менга айтдилар. Бирмада ҳам ишлабчиқаришни юксалтириш соҳасида катта ишлар қилинмоқда, биз ҳам кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш учун зўр бериб ғайрат қилмоқдамиз.

Бош Министр, Қозоғистон қишлоқ хўжалигидаги социалистик қурилиш муваффақиятлари блан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлаётганлигим учун жуда хурсандман, — деди.

Бу ерда кўрган нарсаларимиз, — деди У Ну, — Бирмада қиладиган ишларимизга кўп жиҳатдан ёрдам беради, деб ўйлайман.

Мен Олмаота меҳнаткашларига Бирма меҳнаткашларининг саломини олиб келдим! Самимий кутиб олганлигингиз учун Сизларга ташаккур!

Бирма ҳукуматининг бошлиғи бироз дам олгач, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Д. А. Кунаев ҳузурига бориб, у блан суҳбатлашди. Суҳбатда Бирманинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Монг Он, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССРнинг Бирмадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин ҳозир бўлдилар.

Бугун кечқурун У Ну, унинг рафиқаси До Мья И ва Бош Министрнинг ҳамроҳлари Абай номидаги қозоқ давлат академик опера ва балет театрида «Қиз-жибек» спектаклини бориб кўрдилар.

СССРда меҳмон бўлиб турган бирмали журналистлар ҳам Бош Министр У Ну блан бирга Қозоғистонга келдилар.

Мао Цзэ-дун ҳузурида кенгаш

ПЕКИН, 30 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Кеча Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун Умумхитой савдо-саноат ассоциацияси ижроия бюросининг а'золарини ўз ҳузурига таклиф қилиб, хусусий саноатни ва савдони социалистик асосда қайтадан қуришни қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги масалани улар блан биргаликда муҳокама қилди.

Кенгашда Хитой Коммунистик партияси Марказий комитети секретариатининг а'золари Лю Шао-ци, Чжоу Энь-лай, Чжоу Дэ ва Чэнь Юнь, Компартия МК Сиёсий бюросининг а'золари, шунингдек Марказий комитетнинг ҳозирги вақтда Пекинда бўлган а'золари ва кандидатлари ҳозир бўлдилар.

Кенгашда бошқа бирқанча давлат арбоблари, ҳархил демократик партияларнинг, группаларнинг ва халқ ташкилотларининг раҳбар вакиллари, турли министрликлар ва корхоналэрнинг раҳбар вакиллари, — ҳаммаси бўлиб 500 киши қатнашди.

Кенгашда Мао Цзэ-дун ,шунингдек Чжоу Энь-лай, Чэнь Шу-тун, Ли чжу-чэнь, Жун И-жэнь, Хуан Чжан-шуй, Ху Цзу-ан ва Гун Тянь-минь сўзладилар.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Женевадаги кенгаши

Европа хавфсизлиги ва Германия масаласи муҳокама қилинмоқда

ЖЕНЕВА, 30 октябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Франция, Англия, Совет Иттифоқи ва АҚШ ташқи ишлар министрлари кеча ўзларининг учинчи мажлисларига тўпландилар. В. М. Молотов раислик қилди.

Министрлар кун тартибидаги биринчи масалани—Европа хавфсизлиги ва Германия масаласини муҳокама қилишни давом этдирдилар.

Биринчи бўлиб **Д. Даллес** сўзга чиқди. Унинг да'восича, Европада коллектив хавфсизликнинг умумевропа системасини барпо қилиш тўғрисидаги совет таклифи тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг директиваларига зид келадиган таклиф эмиш, чунки, Даллеснинг айтишича, бу таклиф «Германияни қайта бирлаштириш блан боғланган эмас».

28 октябрьда В. М. Молотов, кун тартибидаги биринчи модда муҳокама қилиниши муносабати блан совет делегацияси Германияга тааллуқли масалалар юзасидан ўз таклифларини вақти келганда тақдим этади, деб айтган эди. Даллес Совет Иттифоқининг бу таклифларини олдиндан қоралашга уринди.

Правардида Даллес, уч ғарбий давлатнинг таклифи кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилишга асос қилиб олиниши лозим, деди.

Сўнгра **А. Пинэ** сўз олди. У ҳам, совет делегацияси тақдим этган таклиф тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг министрларга берган директиваларини акс этдирмайди ва совет делегацияси ўзининг мана шундай позициясини ёқлашни давом этдираберса, у ҳолда кенгаш халқларнинг умидини рўёбга чиқараолмай қолади, деб да'во қилди.

Пинэ, коллектив хавфсизлик тўғрисидаги совет таклифида «бирқанча фойдали таклифлар бор», деб э'тироф қилди. Бироқ, унинг гапига қараганда, совет таклифи... «Германиянинг парчаланганлигини сақлаб қолиш блан» боғланган таклиф эмиш.

Пинэ, Франция Атлантик пактни тугатишга рози бўлаолмайди ва совет таклифида кўзда тутилган хавфсизлик гарантиялари «қуруқ юридик доиралардир» деди.

Правардида Пинэ Даллеснинг фикрига тўла равишда қўшилганлигини айтди ва уч ғарбий давлатнинг таклифини кун тартибининг биринчи моддаси юзасидан бўладиган дискуссияга асос қилиб олишни таклиф этди.

Пинэдан сўнг **Г. Макмиллан** сўзга чиқиб, АҚШ ва Франция ташқи ишлар министрларининг баёнотларига ўзининг қўшилганлигини билдирди. Унинг нутқи Шимолий Атлантик блокининг (НАТОнинг) мақсадларини оқлашга бағишланди. Макмиллан, НАТО «коллектив мудофаа мақсадида тузилган» деб ишонтирмоқчи бўлди. Модомики шундай экан, нима учун Совет Иттифоқи НАТО қатнашчилари составига қабул қилинмади, деган масалага тўхталиб, Макмиллан, Совет Иттифоқининг Ғарб давлатлари блан... «умумий мақсадлари ва умумий нуқтаи назари» йўқ деб айтди.

Сўнгра **В. М. Молотов** сўз олди.

У, уч ғарбий давлат министрларининг 28 ва 29 октябрьдаги нутқларига жавоб берди. Даллеснинг 29 октябрьдаги нутқига тўхталиб, Молотов кун тартибининг биринчи моддаси муҳокама қилинаётганида Европа хавфсизлиги масаласига ҳам, шунингдек, шундан сўнг, Германия масаласига ҳам мустақил э'тибор берилаётганлигидан иборат бўлган позициянинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри эканлигини асослади.

Бунда тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари директиваларининг ҳақиқий ма'носига амал қилинадиган бўлса, деди Молотов, директиваларнинг биринчи моддасида Европа хавфсизлиги Германияга қараганда олдинроқ айтилганку. Менинг фикримча, директиваларни қабул қилишда шундай қилинганлигининг ўзига хос сабаби бор. Июль ойида шу масала устида тортишувлар бўлганидан кейин, Европа хавфсизлиги масаласи биринчи ўринга, Германия масаласи эса иккинчи ўринга қўйилсин деб бамаслаҳат бир фикрга келинган эди. Ҳозир ҳам биз директиваларда кўрсатилган тартибга риоя қилаётгирмиз... Бу масала устида ҳали ўз таклифимизни тақдим қиламиз, деб олдиндан айтиб қўйдик. шунинг учун ҳам асосий масалани — Европа хавфсизлиги масаласини — муҳокама қилиш блан асосий масалага — Европа хавфсизлиги, я'ни Европанинг ҳамма мамлакатлари учун хавфсизлик масаласига нисбатан бўйсундирилган ва жуз'ий масала бўлган Германия проблемасини кўриб чиқмоқ учун яхши замин ҳозирлаймиз, деган фикрдамиз.

Совет делегациясининг бошлиғи, Германия проблемаси муҳокама қилинганида немисларнинг иштирок қилиши матлубдир, деган масала кенгашда қўйилмаган эди, шунинг учун ҳам совет делегацияси Германия проблемасини конкрет кўриб чиқишга ўтилган вақтда бу масалани қўймоқчи, деб айтиб ўтди. Пинэнинг, Совет Иттифоқининг коллектив хавфсизлик тўғрисидаги таклифлари Францияни ўтмишда неча марталаб қўлга туширган қоғозлари гарантияларга ўхшайди, деб айтган гапи тўғрисида сўзлаб, Молотов дедики, Пинэ ўзининг бу гапини исбот қилаолмади. Агар фактларга дангал қараб гапирадиган бўлсак, деди Совет делегациясининг бошлиғи, у вақтда шуни айтиш керакки, Европадаги бирқанча давлатлар сингари Франциянинг ҳам ўтмишда шўрини қуритган нарса шуки, унинг раҳбарлари урушга тайёрланаётган агрессорни биргаликда даф қилмоқ учун бошқа катта давлатлар блан, шу жумладан Совет Иттифоқи блан Франциянинг кучини бирлаштиришни истамадилар. Уша раҳбарлар гуруҳлар тузиш сиёсатига амал қилишни афзалроқ деб билдилар. Ма'лумки, бу сиёсат иккинчи жаҳон урушига олиб келди. Яна шу нарса ҳам ма'лумки, Совет Иттифоқи ҳозир коллектив хавфсизликни ҳимоя қилиб чиқаётгани сингари ўша вақтда ҳам тинчликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида коллектив ҳаракатлар қилишга Европа давлатларини чақирган эди.

Европада тинчликни та'миклаш масалаларида, Европа хавфсизлигини та'миклаш масалаларида Совет Иттифоқи АҚШ блан чин кўнгилдан ва виждонан ҳамкорлик қилишни истамаётир, деган асоссиз да'воларни Молотов рад қилди. Ҳукуматлар бошлиқлари Женева кенгашининг бутун моҳиятини ва ҳозирги кенгашимизнинг моҳиятини биз шундан иборат деб билмоқдамизки, — деди у, биз — Франция, Буюк Британия ва Совет Иттифоқининг вакиллари — Европада ва бутун дун'ёда тинчликни ҳамда ҳавфсизликни ҳимоя қилиш манфаатлари тўғрисида умумий фикрга келмоқ ва умумий тушунчага эришмоқ учун Америка Қўшма Штатларининг вакиллари блан бамаслаҳат иш кўришимиз лозим. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, бунга эришиш мумкин деб умид қиламиз.

Совет делегациясининг бошлиғи айтдики, ғарб давлатларининг, ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳлари, НАТО ва Ғарбий Европа иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида кўзда тутилган «коллектив хавфсизлик бирлашмаларидир», деган да'воларига қўшилиш қийин гап. Агар шундай нуқтаи назарда турадиган бўлсак, — деди Молотов, — у ҳолда биз биринчи жаҳон уруши олдидаги Антанта ва Учлик иттифоқ, шунингдек иккинчи жаҳон уруши олдидаги антикоминтерн пакти ҳам ўзига яраша «коллектив хавфсизлик бирлашмалари» бўлган эдилар, деб э'тироф қилишимиз лозим бўлиб қолади.

Уч министр таклифининг ижобий аҳамияти шундаки, деб давом қилди Молотов, бу таклифларда ўтган йилдаги Берлин кенгашидагига нисбатан олга қадам қўйилган. Бу таклифда энди Европа хавфсизлиги тўғрисида гапирилмоқда, ваҳоланки Берлин кенгашида уч давлат томонидан қилинган таклифларда Европа хавфсизлиги соҳа қолиб кетган эди. Бинобарин, биз уч давлат позицияларининг СССР позицияси блан яқинлашганлигини мамнун бўлиб қайд қилишимиз мумкин.

Бироқ, бу таклифни синчиклаб кўрган вақтимизда, Европа хавфсизлигининг тилга олиниши бу таклифда ҳам кўпроқ расмий ҳарактерга эгадир, деган таассурот туғилади. Бу масалага биз ўйлаганча аҳамият берилмаётир десак бўлади.

Молотов, Европа хавфсизлигини та'минламоқ учун декларатив баёнотларнинг кифоя қилмаслигини кўрсатиб, сўнгра бундай деди:

Уч министрнинг «Германияни қайта бирлаштириш ва хавфсизлик» деб ном қўйилган проектидаги асосий камчилик, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, бу проектда ҳамма нарса битта вазифага — бутун Германияни, уни қайта ҳарбийлаштирган ҳолда, Шимолий Атлантик блокига (НАТОга) қўшиб олишга бўйсундирилган. Бу проектда Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида гапирилади. Лекин, афтидан, бу масала проект авторларини қизиқтирмайди.

Бирлаштирилган Германия НАТОга (Шимолий Атлантик блокига) а'зо бўладиган бўлсагина Германияни бирлаштириш масаласи проект авторларини қизиқтирар экан, деган таассурот туғилмоқда. Бизнинг фикримизча, деб та'кидлади Молотов, Германиянинг йўлини герман халқининг ўзи ўзининг эркин иродасига мувофиқ равишда белгиласи лозим, лекин биз бирлаштирилган Германия тинчликсевар ва демократик давлат бўлмоғи учун герман ҳалқига кўмаклашмоғимиз ва ўз вақтида ёрдам бермоғимиз лозим.

Мана шуларнинг ҳаммаси биздан аввало асосий масала юзасидан — бутун Европа мамлакатларининг хавфсизлиги масаласи юзасидан бамаслаҳат бир фикрга келишимизни талаб қилади. Ана шунда Германия масаласи ҳам ўзига муносиб ўрин олади ва унинг бирёқлама ҳал қилиниши хавфи туғилмайдиган бўлади.

Молотов, тўрт давлат бирмунча илгари силжишга муваффақ бўлганлигини, чунки Европа хавфсизлиги масаласи Европа халқлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала деб э'тироф қилинаётганлигини кўрсатиб, правардида кенгаш қатнашчиларига: хавфсизлик масаласини буерда давлатларнинг у ёки бу гуруҳини кучайтириш нуқтаи назаридан муҳокама қилмай, балки Европадаги ҳамма мамлакатларнинг хавфсизлиги манфаатлари нуқтаи назаридан муҳокама қилайлик, деб ҳаммамиз бамаслаҳат бир фикрга келишимиз мумкинми, мана шу тўғрида ўз фикрингизни айтинг, деб таклиф қилди...

Совет делегациясининг бошлиғи ўз нутқини тамомлаганидан кейин министрлар кенгашининг бундан кейинги иш тартиби тўғрисидаги масала юзасидан фикрлашиб олдилар.

Кенгашнинг эндиги мажлиси кун тартибининг учинчи моддасини — Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш масаласини муҳокама қилишдан бошланиб, бу масала бўйича экспертлар группаси тузилсин ва сўнгра, шу мажлиснинг ўзида кун тартибининг биринчи моддасини муҳокама қилиш яна давом эдирилсин, деган қарорга келинди.

Чжоу Энь-лайнинг Филиппин журналистлари саволларига берган жавоблари

ПЕКИН, 29 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай 23 октябрьда Филиппиндаги «Манила кроникл» газетасининг мухбирлари Луис Маурисио блан Габриэль Маналакни қабул қилди ва улар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

Савол: Хитой Халқ Республикасининг ўз қўшниси Филиппин республикасига муносабати қандай? Хитой Халқ Республикаси блан Филиппин республикаси ўртасида ҳамкорлик қилиш ва уларнинг бутун дун'ёдэ тинчлик манфаати учун биргаликда ишлашлари имконияти қандай?

Жавоб: Хитой халқи филиппин халқига дўстларча қарайди. Хитой Халқ Республикаси Филиппин республикаси блан тотув яшашни истайди. Агар иккэла мамлакатимиз бундан буён ташқи кучларнинг орамиздаги муносабатларни бузишларига ва хавф остида қолдиришларига йўл қўймасалар, Хитой блан Филиппининг тотув яшашига, бир-бири блан дўстона ҳамкорлик қилишига ва бутун дун'ёда тинчлик ишига умумий ҳисса қўшишига ҳалақит берадиган сабаблэр йўқ.

Савол: Башарти Хитой Халқ Республикаси Тайваньни узил-кесил озод қиладиган бўлса, тинчликни бузаоладиган бирор ҳаракатга ҳечқэндай хавф солиши керак эмас. Хитой халқи тинчликсевар халқдир, хитой халқи агрессияга қарши чиқмоқда. Хитой халқи ўзи илгари четэл агрессиясидан азоб чекканлиги сэбабли, унинг бошқаларга қарши агрессия қилишини тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, антагонистик ҳарбий блок эсосида олинган мажбуриятлар сабабли тинчликни бузадиган ҳаракатларга тортилиб қолмаслик учун ҳуш'ёрлик талаб қилинади.

Савол: Филиппинда яшаб турган хитойларга Хитой Халқ Республикасининг муносабати қандай?

Жавоб: Хитой Халқ Республикаси Филиппинда яшаб турган хитойлар тўғрисида жуда ғамхўрлик қилмоқда. Биз уларнинг ҳуқуқлэри ва манфаатлари ҳурмат қилинаётир ва ҳимоя қилинаётир деб ишонамиз. Биз уларни ўзлари яшаб турган мамлакатнинг қонунларини ва социал урфодатларини ҳурмат қилишгэ рағбатлантиришга ҳам тайёрмиз. Бундан ташқари, Филиппинда яшаб турган хитойларнинг икки томонлама гражданлиги ҳэқидаги масала ҳам бор. Икки томонлама гражданлик ҳақида Хитой Халқ Республикаси блан Индонезия республикаси ўртасида тузилган шэртнома Хитой ҳукуматининг сиёсатини ва бу масалага бўлган муносабатини тасвирлаб беради.

Савол: Бош министр Чжоу Энь-лай хитой халқи номидан Филиппин халқига бирор нарсэ айтмоқчими?

Жавоб: Мен хитой халқи номидан Филиппин халқини табриклашни истайман. Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси вақтида иккала мамлакэтимиз ҳукуматларининг а'золари бир-бирлари блан дўстона алоқалар ўрнатдилар. «Манила кроникл» газетаси вакиллари Луис Маурисио жаноблари блан Габриэль Маналак жаноблари Хитойга қилган сафари ҳам мамлакатларимиз халқларига бир-бирлари блан алоқа боғлаш имкониятини берди. Биз иккала мамлакатимиз ҳукуматлари а'золарининг ва халқларимизнинг ўзаро тез-тез алоқа қилиб туришларини истар эдик. Бу эса халқларимиз ўртасидаги дўстликка ва иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилашга анча ёрдам берган бўлур эди.

Бинокор совет мутахассисларининг Италияда бўлиши

РИМ, 29 октябрь. (ТАСС). СССРнинг Италиядаги элчиси А. Е. Богомолов қурилиш мутахассисларидан иборат совет делегацияси мамлакатнинг турли жойларига бориб келганидан кейин делегация шарафига қабул маросими ўтказди. Делегацияга СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси В. А. Кучеренко бошчилик қилмоқда. Самимий, дўстона вазиятда ўттан қабул маросимида архитекторлар, бинокор инженерлар, олимлар, сиёсий арбоблар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида қатнашган меҳмонлар орасида Италия социалистик партиясининг бош секретари Пьетро Ненни, Умумитальян меҳнат конфедерациясининг бош секретари Жузеппе ди Витторио, жамоат ишлари министри Жузеппе Ромита ҳам бор эди.

ТАМАРАХОНИМ РЕПЕРТУАРИДА ЯНГИ АШУЛАЛАР

Тамошабинлар яқинда Тамарахоним ижросида турли миллат тилларида айтилган янги ашулаларни зўр қувонч блан тингладилар. Композитор Макаровнинг «Ноченька», «Гулизор» номли озарбайжон халқ қўшиғи, «Гармончи йигит» номли татар халқ қўшиғи ва бошқа СССР халқлари куйларидаги кўпгина ашулалар заллдагиларни қувонтирди.

Айниқса четэл тилларида айтилган ёқимли қўшиқлар темасининг ранг-баранглиги блан, музикасининг майин ва ёқимлилиги блан тамошабинларда кучли таассурот қолдирмоқда.

Тамарахоним ижросида биринчи марта айтилган турк тўй қўшиғи, эрон композитори Кишиварзининг «Тинчлик қўшиғи», яҳудий халқ хазил қўшиқлари циклидаги ашулаларни, шунингдек Покистон, Ҳиндистон, Корея, хитой, ўзбек, озарбайжон ва бошқа кўп тилларда яратилган янги қўшиклар талантли артистканинг репертуарини янада бойитган ва бу эса унинг бадиий маҳоратини ошириш учун тинмай ишлаётганлигидан далолат берди.

А. АБДУАЗИМОВ.

ПИОНЕРЛАР САРОЙИДА

И. В. Сталин номли пионерлар саройида авиомодель, радио, фото, дурадгорлик, ҳайкалтаошлик, рассомлик каби 40 дан ортиқ тўгарак кизгин иш олиб бормоқда.

Бу тўгаракларга 25 миллат болаларидан 3000 дан ортиқ пионер ва ўқучи актив қатнашмоқда. Машғулотлар ўқучиларнинг ўқишдан ташқари бўлган бўш вақтлари—маданий дам олиш пайтлари блан ҳисоблашилган ҳолда уюштирилган. Машғулотнинг бундай йўлга қўйилиши тўгарак а'золари сонининг кунсайин ортиб боришини та'минламоқда.

Тўгаракларга П. Рубко, В. Сисоев, М. Мусабоев, Е. Москалоева каби малакали ўқитучилар раҳбарлик қиладилар. Айниқса, Ўрток Ж. Хакимов бошлик наққошлик тўгарагининг иши диққатга сазоввордир. Бу тўгарак а'золаридан 40-нчи мактаб ўқучилари Дамин Маҳаммаджаримов, Ғози Салимов ва 39-нчи мактаб ўқучилари Саттор Хакимов, Ямин Носировлар Маркс — Энгельс—Ленин — Сталиннинг портретлари учун нақшбанд рамкалар ясадилар. Улар ҳозир Совет Иттифоқи давлат гербини ясамоқдалар.

Шунингдек, бошқа тўгаракларда ҳам машғулотлар жуда қизиқарли ўтмоқда.

Пионерлар саройидаги бу тўгараклар, жумладан ёш техниклар тўгараги ўқучиларнинг мактабда олган назарий билимларини амалий тажрибалар ёрдамида мустаҳкамлашга катта ёрдам бермоқда.

Х. АБДУВАЛИЕВ.

ФУТБОЛ

Спартакчилар ғалабаси

28 октябрьда Тошкент «Спартак» стадионида 1956 йилда мамлакат биринчилиги учун «Б» классда бўладиган ўйинларда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун Ўзбекистон чемпиони — Округ офицерлар уйи командаси блан «Спартак» мастерлар командаси учрашдилар. Ўйинда 6:1 ҳисоби блан спартакчилар ғалаба қозондилар.

30 октябрьда бу командалар яна ўзаро учрашдилар. Бу ҳал қилучи сўнгги учрашувда ҳам спартакчилар зўр маҳорат ва ғайрат блан ўйнадилар. Округ офицерлар уйи командасининг ҳарқандай уриниши натижа бермади.

Шундай қилиб, ўйин 2:0 ҳисоби блан спартакчилар фойдасига ҳал бўлди. «Спартак» командаси «Б» класс бўйича 1956 йилда мамлакат биринчилиги учун бўладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

А. КИМ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/XI да премьера **Чин муҳаббат**, 2/XI да **Оғриқ тишлар**.

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/XI да премьера **Тоҳир ва Зуҳра**, 2/XI да **Иван Сусанин**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 2/XI да аттракцион — **Лўлилар «Узум байрамида»**.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — янги француз кинокомедияси **Жульетта**.

«РОДИНА» — кундуз соат 12 ва 4 да **Гаврош**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 ва кеч 6 да **Ленин 1918 йилда**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз соат 2 ва 4 да **Милтиқли киши**, кеч соат 6 дан янги чехословак бадиий фильми **Ажойиб саёҳат**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 4 да **Любовь Яровая**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
1 ва 2 ноябрьда
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати
ТАМАРАХОНИМ КОНЦЕРТЛАРИ
Программада: СССР ва четэл халқларининг ашула ва рақслари.
Халқ чолғу асбоблари квартети жўр қилади. Фортепиано чалучи ва изоҳловчи — С. Каракаш.
Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида ҳар куни кундуз соат 1 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия ғурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34043. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 09654. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1540.